

Л Яйра САЪДУЛЛАЕВА

ТОМ БОШИДА ТОҒОРА

(Ҳажвиялар, интермедиялар)

)

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриёти

— 1975 йил



ИККИ ОФИЗ СУЗ

Бундай қарасам, идорадаги иш столим устида қўлда чизилган расм — оппоқ дока рўмолини уёқ-буёғига ташлаган кампирнинг расми. Кўзимга иссиқ кўринади. Кимга ўхшайди-я деб ўйлайман. Охири шарақлаб кулиб юбордим. Ўзим эканман. Дока рўмолим бирам ярашибдики...

Ҳазилкаш рассом нега бундай чизди десам, кампирлар тилидан унча-мунча ёзган ҳажвларимни ўқиган экан.

Яна иштаҳага кириб кетдим.

Хўш, нега ёзмай улар тилидан. Ахир кампирларнинг у-бу гап айтишда ёшларга нисбатан ваколатлари кўп. Қолаверса ўзим Тошкентнинг эски шаҳариданман. Эски шаҳарда биласиз, ўзи зукко, тили бурро кампирлар виж-виж. Ҳар биттаси қўйиб берсангиз «айланай болам», деб дорулфунунда дарс беришдан ҳам чўчимайди.

Шундай қилиб «кампиршунослик» ва бошқа ҳикояларимни тўплаб сизга тақдим этапман. Лекин билиб олинг, кекса бувим тилларидан гапирсам ҳам, ўзим қали ёшман.

Хизматингизга тайёрман!

ҚАЛАЙСИЗ КАМПИР

Келиним билан ўғлимда, ойм ҳам борсинлар, деб туриб олган. Ёш нарса ўзинглар кетазверинглар, десам, унашмади. «Сиз ҳам умрингизда бир марта балет кўринг,» дейишди. Уйлаб-ўйлаб, хўш нима қилибди, ўладиган дунёда кўриб қолиш керак, дедим. Хўп, дейишим билан келинимнинг оёғи олти, қўли етти бўлиб кетди. Шкафдан дарров шерсть кўйлагимни, қора духоба нимчамни олиб чиқди. Уғлим бошимда гирди капалак: ҳали у рўмолимни олиб чиқади, ҳали бу рўмолимни. Бир вақт рўмолим қолиб қўлимга маҳсимни тутқазди. Негадир ҳиринг-ҳиринг кулади. Ҳа, шайтонинг мунча қўзиб қолди, десам, яна баттар кулади. Бир вақт маҳсимни кияй дейманки, ичига алланарса тиқилган. Жон ҳолатида суғуриб олсам — патинка. Таги, азбаройи худо, оппоқ кўпикка ўхшайди. Бу кимга, десам, кийиб борасиз, дейди. Қариганда қармоққа тушиб, энди патинка кияманми, дедим. Ахийри қўйишмади. Кийдим. Оёғимга қуйиб қўйгандек лоп-лойиқ экан.

Энди денг кўчага чиқсам, маҳалладаги кампирлар бир тўда бўлиб Саврибонуникига молвудга кетишаётган экан. Мени ҳам айтувди-ю, келиним билан ўғлим миямни чалғитиб, эсимдан чиқиб кетибди. Нима қилдим-а? Кўришса хойнаҳой бутун молвудда менинг достоним бўлади. Оғизга тушгандан кўра, шукур қилиб уйимда ўтирсам бўлмасмиди?

Ўзимни орқага олдим у қоқила-суқила йўлакка қайтиб кирдим. Кечикамиз, юринг, деб зўрлашди болаларим. Қани энди бетим чидаб чиқа олсам. Келиним шўрлик куйнади, уларнинг сиз билан нима иши бор, сиз — мустақил одамсиз, дейди. Уғлим бўлса, уларнинг олдидан кўкрагингизни кериб ўтмайсизми, улар умриларида театр кўришибдими, деди... Бисмилло доб остона ҳатлаб кўчага чиқдим у ўзимни анча тутиб олдим.

Мана энди кетяпман денг, у ёнимда онагинанг бўйларингдан айлангур келиним, бу ёнимда ўғлим. Рўмолимнинг бир учини уёққа, бир учини бу ёққа ташлаганман. Эгнимда келиним билан неча марта машиначиникига бора-бора тиктирган янги пальтом. Оёғимга қарайман. Ярақ-ярақ қилади. Кампирларнинг кўзлари менга

тушди-ю, оғзилари туз соладиган хўқачамнинг оғзидек очилиб қолди. Сир бой бермайману ич-ичимдан суюнаман десангиз. Бирдан пичирлаб қолишади улар. Сезсам ҳам сезмасликка оламан ўзимни. Бари бир қулоқ бўлгандан кейин эшитаркан. Ёшариб кетибди-я, деб пичирлашади. Доим менга манг уриб юрадиган чийилдоқ кампир мингиллаб қолди:

— Йўл бўлсин?

— Театруга, опиро ва балит театрусига,— дедим оғзимни тўлдириб. Қаддимни ростладим, ўғлим айтгандек, кўкрагимни кериб олдим. Ёш қизлардай пилдиллаб кетдим. Орқамдан қараб қолишинини сезиб турибман-да...

Театруга борибмиз денг, ана бино-ю, мана бино. Эшигидан кирарманми, кўзим жимирлаб кетди. Патинкамни босгани кўзим қиймайди, гўё ери увол бўладигандек. Ийманиброқ залига кирдим. Зали ҳам ҳовлимизга уч ҳисса келаркан чамамда. Тўғрига қизил ёғим духобадан парда ташлаб қўйилган. Лоп этиб эсимга онам бечора тушдилар. Худди шунақа духоба деб сал қолган экан отам шўрлик билан борди-келди бўлишларига. Тўнғич ўғлим туғилганди ўшанда. Бешикнинг ҳеч бўлмаса бош томонидаги говрапешига қизил духоба қилгилари келибди. Увалло уринибдилар, эпини қилолмабдилар. Қаранг-а, ўша вақтда театру деган нарса бўлмаган экан-да, бўлмасам, оқсоқолидан бир оғиз сўрасалар, шунча духобаси туриб ўлибдимми бир говрапешлик бермай.

Утирганимиздан сўнг, бир маҳал алланарса гумбирлаб кетди. Сапчиб тушдим. Бояги духоба парда чайқалиб-чайқалиб очилди. Бирдан ёғимнинг йиғиб кетди. Юрагим алламабало бўлиб кетди. Кейин десангиз, саҳнага бир дунё қиз югуриб чиқди. Бири кўйлагининг ёнини йиртиб қўйибди, бирининг кўйлаги домлапоччамнинг салласидек ҳўппайиб турибди. Уларни кўриб ҳўшим оғиб қолаёзди. Ерга ойнанинг синиғини сочиб юборишганми, ишқилиб ҳаммаси товонини кўйишга кўрқади. Оёғининг учида юришади. Биттаси — бели бир қисим, бирдан қилтиллаб кетди-ю, оёғини ерга қўйиб юборди. Яна йўрғалаб қочди.

Бу ҳам ҳолва экан. Бир вақт ичкаридан ярим яланғоч қиз камондан отилгандек чиқди. Унинг кийимини кўриб, ўғлимнинг олдида ерга сингиб кетай дедим. Кетидан ҳовлиққанича бир йигит чопиб чиқди. Ҳалиги йигит қизга етиб олди-ю, бармоқларини ушлаб, афтингда кўзинг борми демасдан чир-чир айлантира бошлади. Қиз бечора дағ-дағ титраб, тўхтамоқчи эди, йигит бир бурчакка борволиб, унга ўқрайганича яниб турди. Оббо, энди бир бало қилади, дедим. Қиз учиб келиб унга ўзини отди. Йигит илиб олди-ю, осмонга қараб улоқтирди. Юрагим шув этиб, кўзимни чирт юмиб олдим. «Адойи тамом бўлди, ерга тушиб чил парчин бўлди» деб

кўрқиб турувдим, ҳамма негадир чапак чалиб юборди. Кўзимни қия очиб қарасам, минг қатла шукурки, қиз омон экан. Узимга келиб бундай қарагунимча, саҳна бекилиб қолибди. Шу пайт: «Ёқдим, ойи!» деб қолди келиним. Мен бўлсам: «Дарров тамом бўлдимми?» деб юборибман. Атрофдагилар гурр этиб кулиб юборишди. Изза бўлиб кетдим, айланай.

— Мавлудга борган кампирларга нима дейсиз?— деди кулги аралаш ўғлим.

Қаранг-а, келишга келибман, кўришга кўрибману кампирларга нима дейишимни ўйламаган эканман. Нима дейман? Яхшиси, сизлар ҳам юрибсизлар-да бир четда, бориб балитни кўринглар, дейман.

Э, нимасини айтасиз, чолим шу кунларда шундай айниганларки, уларнинг дастларидан на уч-тўртта кампирни йиғиб мавлуд ўқита оламан, на мушкулкушод. Бир вақтлар краснипартизан бўлганларини пеш қилаверадилар-қилаверадилар. Кўнглига ботадами — йўқми деб сураштирмай тўп этиб гапирадилар-қўядилар. Уларча, мен уйда кўмилиб ўтирмасмишман, кўча эшигига чиқволиб, гап сотганим-сотганмиш. Шу гапни салкам олтмиш йилдан бери бирга яшаган, иссиқ-совугимдан хабардор бўлган чолимдан эшитдимми, бу кунимдан кўра боткун-бот соатда ўлганим маъқул. Мандан кейин битта ўзини эпложмаган кампир-сампирга уйланиб, бирам қадрим ўтсинки, «Ох, Мовжу, қай кунларга қўйиб кетдинг мени», деб йиғламасалар, у дунё-ю бу дунё рози эмасман.

Агар яна бир жигимга тегсалар, уйдан бошимни олиб чиқиб кетаман. Қариганда айб бўлади, дейсизми? Сираям-да, битта ёзувчи болам ёзибди-ку журналга, қари кампир чолидан хафаланиб, уйга кетмоқчи бўлганини. У-ку кетмапти, ман кетаман. Ойим раҳматлик ўлиб кетган бўлсалар, кенжа холам борлар тўқ сонга кирган, ўшаларникига бораман... Шу хаёллар билан қоним қайнаб ўтирувдим, ғоздаккина бўлиб чолим кириб келдилар. Қўларидоги сетка тўла нарса.

— Мана, хотин, бирвақтлар маражнийга бошқоронғи бўлганинг эсимга тушиб кетиб, маражний опкелдим.

Ичимдан суюнсам ҳам ташқимдан сездирмай, ўрнимдан турдим ва қўлларидан сеткалари-ю, маражнийларини энсам қотиброқ олдим. Энди муздаккина есам, ҳовримдан тушарман деб турсам....

— Хотин, чопонни ол, бир самоварга чиқай, ош қилмоқчимиз. Оғзимдаги оғзимда қолди:

— Узимам ҳайрон қолувдима, нега маражний олиб келдингиз деб.

Чолим анграйиб қолдилар:

— Эсингни едингми?

— Бўлмасамчи? Уйда ош турганда самоварда нима бор?



— Самоварчики бошқача бўлади-да, хотин.

— Йўқ, чиқмайсиз!

— Кўп ғиди-биди қилаверма!

— Сиз яхши ота бўлсангиз, ўғлингизнинг чиқиб кетишига рози бўлармидингиз мени ёлғиз қўйдириб...

— Шунга шу гап тўғри келадими, Мсвжу?

— Уззукун мени шўппайтириб ташлаб, ўзингиз чиқасиз-кетасиз. Нима, мен хамирхоламанми?

— Кетсам нариги дунёга кетибманми?!

Шундай дедилару чиқдилар-кетдилар. Мен ҳам зарда билан айвонга чиқиб, кўрпага ўралиб ётволдим.

Орадан икки соатча вақт ўтгач, ҳовлидан оёқ товуши эшитилди. Секин кўрпанинг ичидан мўраласам, чолим. Қўлпариди коса, ё товба, бунақа одатлари йўқ эди шекилли. Қани, нима қиларкинлар, деб индамай ётавердим.

— Ҳой, хотин, тур, мановини еб ол!

Индамай ётавердим ўпкам тўлиб.

— Кел, қўй, шунча араз қилмаган энди қиласанми?

Чолим кўрпамни бошимдан тортиб, пешонамдан ўпмоқчи этдилар, соқолларидан ғашим келиб, қиқирлаб кулиб юбордим. Яраш-яраш бўлдик. Ош ҳам денг, ошмисан бўлган экан, еб олдим. У киши дарров газга чой қўйиб дамлаб келган, чақмоқ қант олиб чиққан.

— Узим ҳам айтувдима, нега жуда чаққон бўлиб кетдилар, деб. Бу ёқда бошқа гап бор экан:

Буни қаранг, ошхўрлик қилган чоллар бирдан кинога тушадиган бўлиб қолишганмиш. Қариган чоғларида беш вақт номозларини ўқиб, олло-худо деб ўтиришнинг ўрнига... Тугоқиб кетдим. Ошим-ошда қолди, чойим чойда.

— Худу ўлим берсин сизни бузаётган ўша чолларга, бу ҳойнаҳой Азим қизилдан чиққан. Унга бирвақт шапка кийган деб отам бермагандилар. Аламини ололмай юрарди. Энди сизни мендан бездирмоқчи бўляптими? Шошмай турсин, ҳали олдига чиқиб...

— Ҳой хотин, бугун нима бало, чап ёнинг билан турганмисан?

— Турганман. Мен уйда кўмилиб ўтираверармишман-де, бу киши бўлса, кўчада ялло қилиб юраверармишлар. Тунов куниям кинога бориб келдиз, индәмадим. Олдинги ҳафта куни индийский экан, дедингиз, яна, майли, дедим. Менга билдирмасдан неча марта борганикинсиз. Мен бораман, десам: Йўқ!

— Сенминан бориб, ҳаммага тилвизор бўлайми, хотин.

— Келинлигимдаги гапингизни яна тилга оляпсизми, айтувдимку, яна бир марта оғзингиз тугур оёғингиз тагига олсангиз, сиз билан турмайман деб.

— Ҳой, эсингни едингми, ким сенга...

— Қулоғим шалпанг бўлса, худо қилган, бўрнимнинг тешиги аллақачон битиб кетган...

— Қўй, кўп ади-бади этишаверма,— дедилар-да чолим дамлаб келган чойларидан ўзлари бир хўплам ичиб, ҳайё-ҳаёт деб кўчага равона бўлдилар. Ана ундан кейин кўринг алам қилишини. Бу эски замонлидики хотинни ёнида олиб юрмаса-а? Яна тунов куни Мирвалининг хотини сочини турмаклаб олибди, сумкасиyam ўзига ярашибди, дейдилар оғизларини тўлдириб. Мени ҳатто отин ойига ҳам юбормай қўйган ўзлари-ку. Мен ҳам ўқиганимда...

Ҳеч ўзимни тутолмадим. Хўрлигим келиб йиғлаб юбордим.

Шошмай туринг, ҳали уйга келишингизга бир даста пиёз тайёрлаб қўяй, дедиму, жаҳл билан ўрнимдан турдим. Яп-янги товар кўйлагимни кийдим, устидан кабиркот камзулимни, янги ковуш-маҳсимни. Кўзимга ўғлим индийдан олиб келган сурмасини сурдим. Сочимнинг олди силлиқ турсин деб, озроқ шарбат суриб гаравордим. Эшикни қулфладиму, калитини чўнтагимга солиб, кўчага чикдим. Қўшнимизнинг ўғлидан, амакинга бер, деб калитни

бериб юбордим. Кетавердим бошим оққан томонга қараб. Шунда ойим шўрлик ўлиб кетганлари эсимга тушиб ўпкам тўлиб кетди. Уғлимникига борайми, қизимникигами? Йўқ, уларни безовта қилгим келмай, кенжа холамникига бордим.

Холам бечора мен кўрганымдан анча қариб қолибдилар. Мени таниб бағриларига босиб кўришдиларки...

— Эсон-омонмисан?

— Ўзингиз бақувватмисиз?

— Санам қариб қолибсан.

Ана кўрдингизми, қариб кетганимни хира кўзлари билан шулар ҳам сезяптилар.

Келинлари дарров дастурхон ёзиб юборди.

— Кувим эсон-омонми?

— Жонимдан тўйиб кетдим,— дедим.

— Ҳа, яхши бўлса бўлди.

— Нималари яхши, ҳар куни ташлаб чиқиб кетаверадилар юзингда кўзинг борми демай...

— Эрнинг яхшиси шу-да, марварид олиб келган бўлса, келиннингга бер. Мана ман бисотимдаги ҳамма нарсани бўлиб бердим. Сандиғимда ўлимлигимдан бошқа ҳеч нарса қолмади.

— Гапимга тушунмадингиз, ўлар бўлсам ўлдим дейман,— дедим яқинроқ бориб.

— Қўрқма, эринг ўлмайди, зуваласи пишиқ. Отасини бир юз саккизда деб кўтаришган.

Шундан кейин холамнинг қулоқлари оғирлашиб қолганини билдим. Бақиллатиб самовар олиб келган келинлари кайфиятимни сезди чоғи дарров ойисига қутичада бир нарса олиб келди ва очиб тугмачасини қулоқларига тикиб қўйди. Ҳозиргина мен боғдан келсам, ўзлари тоғдан келиб турган одам бирдан ўзгардилар қолдилар. Ҳамма гапимга мос жавоб берардилар, Хола-жиян ёшлигимиз эсимизга тушиб, йиғлашиб ҳам олдик.

Холам сал шамоллаган эканларми, бир акса урувдилар қулоқларидаги тушиб кетди.

— Шундан ўзимнинг қулоғим яхши, Мовжу, дейдилар.

— Йўғе, хола...

— Ким ўлди дединг, жойинг жаннатда бўлгур.

— Ҳеч ким.

— Пирмаҳмуд?

Холам бирдан у билан бир вақтлар черта ўйнаганлари, ўниккига тўлар-тўлмаганларида девордан кесакка ўраб бир қоғоз отгани, унда гулнинг устига булбул қўниб турган расми борлигини айтиб, болалик даврларини қумсаб йиғлаб олдилар. Баттар қисилиб кетдим. Кетай десам, чолимни бир куйдирмоқчиман. Кетмай

десам, миям ғовлаб кетяпти. Йўқ, охири чолимни наказани қилай деб қолдим. Илойим қолганим ҳам бор бўлсин, туни билан ажриққа ағанаб чиқдим. Сал кўзим илинди чолим тушимга кирадилар — бир қарасам, иккита чўғир тиши қолган оғизларини очиб, ҳиринг-ҳиринг қиладилар, «ўла, ухлаёлмаяпсан-ку менсиз», дейдилар. Яна бир кўзим илинса, шумшайиб эшик остонасида ўтирган бўладилар, кўзларига милт-милт ёш олиб «қариган чоғимда нима қиласан мени куйдириб» деётгандек бўладилар. Яна бирдан елкаларига эски чопонларини ташлаб дашту-биёбонларга кетаётган бўлиб кирадилар. Вой, ўлай, деб шайтонга хайр бераман.

Айниқса, охирги тушимдан кейин, сира ётолмадим. Ойнинг ёруғида соатга қарасам, 5 га бориб қолибди. Туриб кетдим. Уйимнинг ораси тўрт маҳаллача келади, трамбойни кутишга сабр чидармиди. Яёв кетдим. Кетяпман-кетяпман, қани энди етақолсам. Кўнглимга минг хил армонли гаплар келади. Шайтон ўлгур икки елкамга минволиб, уки қилиқлар қилади, дуо ўқимай бари бир, ваҳимам ошиб кетяпти.

Худога шукур, бир амаллаб уйимга етиб олдим. Эшикка қўлим тегар-тегмас ланғиллаб очилиб кетса, кўрққанымдан додлаб юборай дедим. Чолимга бир нарса бўлган эканда деб ўйладим. Нафасим тикилиб айвонга чиқсам, ўринлар солиғлиғу — тахти бузулмаган. Чолим бўлса, хонтахта четида маза қилиб хуррак отиб ётибдилар. Кўрдиму, суюнганимдан оёқ-қўлим бўшашиб, ўтириб қолдим.

Тасаддиғинг кетай, агар сенга ҳозирги бўлган воқеани айтиб берсам... тўхта, бир оз нафасимни ростлаб олай, ўзим ҳам ўлганимнинг кунидан дам тушаман, дам ажабланаман. Ё, тавба-ей, келиб-келиб мен қўлга тушсама. Йўғе, милиционер қўлига эмас, у кунни худо кўрсатмасин...

Сенга айтсам, набирам отпискамнинг бир ойини бувимникида ўтказаман деб, аzza-баzza ойисига ёзиб юборган экан Москопдан. Тўғри қишлоққа, менинг олдимга келаверипти. Суюниб кетганимдан шошиб қолдим.

— Вой, Сидиқжон-ей, эсон-омонмисан?— дейман нуқул, дам у юзидан, дам бу юзидан ўпаман,— шунча вақт хат ёзмай илҳақ қилдинг одамни,— деб юзига шапатилаб ҳам қўяман. У нуқул кулади. Ора-чора ҳазил-ҳузил қилади:

— Мана энди, бувижон, товуқ шўрва ичадиган бўлдик.

— Ҳа, болам-ей, битта товуқ сендан айлансин.

Шундай десам, у ял-ял очилиб кетдики, гўё мен унга кимхоб чопон кийгизганману, йўлига зардан поёндоз ёзганман.

Дарров узоқ йўлдан юриб келди деб ёғлиққина қатигимни хурмача билан олдиға қўйдим. Оппок пиёзни ичига тўғраб бир косасини шимириб олди. Йўл-йўлакай бутун қишлоқнинг кўзи сенда бўлгандир деб, исирғ ҳам солиб ташладим. Энди кисман палон жойда ўқийман деб кеккайганнамо бўлиб, исирғдан бош тортувди, ҳой, тентак дўхтирлар бунинг фойдаси бор дейишган, деб қўлидан маҳкам тутиб олдим. Нуқул буви эскичасиз дейдиган одам, дўхтир деганимни эшитиб, попуғи пасайиб қолди. Ҳа, тафтингдан тушмас экансан-а.

Дарров енгимни шимариб ишга тушиб кетдим. Бир товоқ қаймоқ, эндигина тандирдан узилган иссиқ нон келтирдим.

Сидиқвой жуда соғинган экан, қаймоқни мазза қилиб еди.

— Энди бир ош дамлаб берай, раҳматлик буванг, қовурма паловни сенга ўхшаб яхши кўргучи эдилар.

Шундай деб ўрнимдан турмоқчи эдим, Сидиқвой товуқхонага имлаб: «Товуқ турганда ошга уринманг» дейди.

— Намунча товуқ деб шошиласан, кетар пайтингда бир-иккитасини пишириб берарман.

Товуқларимни кўзим нуридек асрашимни, эҳтиёт қилишимни биларди-да, у.

Ошга унаб кетдим. Энди сабзини тўғраб, қозонга олов ёқиб юборган ҳам эдимки, бирдан бабақ хўрозим қичқириб юборди. Вой ўлмасам, хўрозларимнинг бунақа одати йўқ эди-ку. Товба, товба, ўзинг паноҳингда асрагин. Бевақт қичқирган хўрознинг ҳосияти бўлмайди.

— Ҳой, Сидиқвой,— чақирдим Сидиқвойни. Хўрознинг овозини у ҳам эшитганми деб.

— Хўроз қичқирдимми?

— Ҳа, бувижон, хатто мен ҳам чўчиб кетдим.— Унинг кўзлари ташвишли эди. Ҳойнаҳой, бу ҳам сезган хўрознинг бевақт қичқирганини.

— Қайси бири эканлигини кўрдингми?

— Ҳа, ҳув ана сўрида ўтирибди, бабақ хўрозингиз.

— Шартта калласини олиб ташла, ўзининг бошини есин,— жонимни биров сугуриб олаётгандек дедим ноилож. Сидиқвой хўрозга ачингандек бош чайқаб қўйди.

— Шу... қўйинг... буви... бечора яшайверсин...

— Ўзингдан катта айтганига ҳўп де, болам. Келишингни пойлаб қичқирганини қара, нафасинг ўзингдан дап бўлгур.— Шундай дедиму, юраккинам туздек ачишиб кетди. Иложим қанча, хўрозларим хоқони бўлсаям қандай қилай. Сидиқвой зўрға кўниб, хўрозни тугтиб келди. Хўроз унинг қўлида питирлар, Сидиқвойни чўқиб ташларди. Ўзиям хўрозмисан, хўроз эди-да, ҳовлида юрганида унча бунча одам остонамдан хатлаб ичкари киролмасди. Майли, ажали етган экан, ўзи айбдор, дедиму, кўзимни чирт юмиб дуо ўқиб юбордим.

Сидиқвой бирпасда жониворнинг сарасини-саракка, пучагини пучакка ажратиб берди. Туз-насибаси экан-да, ошнинг устига босиб бердим.

Буни қарангки, эртасига пешинга бориб, хўрозларимдан яна бири қичқирса. Вой, ўлай, энди бу нимаси? Юрагим орқамга тортиб кетди. Илойим овози яхшиликка буюрсин.

— Сидиқвой, қайдасан?

Боламнинг овози товуқхонадан эшитилди.

— Манавини қаранг, мунча қичқиради. Қичқириш ҳам эви билан-да.

— Тут, дарров тут, нафасинг кўкнори хонадан келгурни.— У

тутиб чиқди. Мен ичкарига кириб кетдим, у саранжому-саришта қилди. Қолган кунлариям, пешинга яқин, баъзан эса кун тиккага келганда қичқириш бошланарди. Яхшиямки, бу «ашула» набирам ўйдалигида айтиларди. Бўлмасам қайси бири «Ҳиргойи» қилганини тополмай гаранг бўлиб қолардим. Охири бўлмади, назлимда уйимга инс-жинслар оралаб қолгандай бўлди, чоршанба куни мушкулгушод ўқитиб юбордим. Худойига пиёз ўгириб қўйдим. Бари бир бу орада анча-мунча товук ва хўрозларим оламдан ўтди.

Орадан ўн беш кунча вақт ўтгач, ўғлимнинг ўртоғи ҳам келиб қолди. Бор, деб таклиф қилган экан. Яхшиямки вақтида гуноҳкор товук ва хўрозларни сўйдириб юборган эканман, бўлмасам бола шўрликнинг сафарига путур етказармиди?

Буни қаранг, у келгач, иккитадан қичқириқ бўладиган бўлиб қолди. Бошим айланиб кетди, нима бўлаяпти, ўзи? Бирдан миямга бир фикр келиб қолди. Шошмачи «пермамдагилар» касал-пасал бўлмаганмикин-а. Шу бугун улардан тез-тез хабар олиб турай. Вақт пешинга яқинлашган сари юрагим дукиллар, ҳатто ваҳимага тушганимдан, оғзим қуриб қоларди. Шу пайт... тасаддигинг кетай, сенга айтсам, қулоғимга бирдан гўнғир-гўнғир овоз чалинди:

— Бувим ҳовлида кўринмайдилар, сен товук бўлиб қичқир, мен хўроз бўлиб,— дейди.

Вой ўлай, Сидиқвойнинг овози-ку. Тағин ҳиринг-ҳиринг кулишгани нимаси?

— Секинроқ, эшитиб қоладилар...

— Кел-қўй кеча едик-ку, бугун қичқирмайлик.

— Қўяверсанг-чи, қани бошладик.

— Қу-ку, қуқ-у, қу-қуқ-у...

Ҳанги-манг бўлиб қолдим. Одам ҳам товук бўлиб шунчалик ўхшатиб қичқирарканми-а? Кейин, нима бўларкин охири деб секингина ўзимни орқага олдим. Жонворлар ҳеч нарсадан хабарлари йўқ инларида донлаб юришибди. Ошхонадан чиқиб келаётган бўлиб, Сидиқвойни чақирдим.

— Яна қичқирдимми, қайси бири?— дедим кетидан.

Иккала ўртоқ ҳеч нарса кўрмагандек, товукхонага кириб, шўринг қургурларни қийқиратиб, иккитасини тутиб чиқишди.

— Худди шулар, буви, уйингизга инс-жинс олиб киришаяпти булар.

— Санмисанлар ҳали, инс-жинсни тушуниб қолган,— деб қўлимга дуч келган ёғочни олиб, қува кетдим. Йигитлар товукларни ташлаб, тирақайлаб қочиб кетишди. Кўчага чиқиб олиб, қочишади-ей,— қочишади. Менинг дам жаҳлим чиқади, дам куламан. Тасаддигинг кетай, шунча кунгача набирамнинг ҳийласини билмабман-а, у ҳам менинг нозик жойимдан тутиб... Эй ўртада кетгандан то-

вуқ-хўрозларим кетди. Агар вақтида мен ҳам бошқа кампирларга ўхшаб, эс-ҳушимни йиғиб олганимда шўринг қурғурларнинг шунчаси нобуд бўлмасди. Шу хаёл билан турувдим, эшикдан илжайиб Сидиқвой билан ўртоғи кириб келишяпти. Минг қовоғимни солмоқчи бўлсам бўлмади, кулиб юбордим.

Ҳадемай, уларнинг сафари қариди, хафа бўлишмасин деб, тухум қилиб юрган товуғимдан иккитасини бериб юбордим, сўйгани кўзим қиймади, ахир тирик жон увол эмасми?!

Қариган чоғимда шукур қилиб яшайвермайманми-а? Оғриманган бошимга олтин исирға қилиб нима қилардим ҳикоя ёзиб. Хўп, майли, мен-ку довдир-довдир қилиб, ўтдан уриб, бўтдан чиқариб ёзибман, журналдагилар нима қилишарди босиб. Хой, кампир ошизни ошаб-ёшизни яшаб қўйибсиз, энди ёзиб қаёққа борардингиз, дейишмайдими.

Шунақа дейишса, бошимга шунча ташвиш тушмасмиди.

Бир вақт чолим кўчадан ўдағайлаб кепқолдилар.

— Кунинг шунга қолдими, гўрсўхта! Уялмадингни мени элу-юрт олдида шарманда қилгани?!— деб дўқ билан яқинлашсалар...

— Нима деяпсиз ўзи?— деганими биламан, чолимнинг ранги январям ўчиб кетди.

— Қачон мен сендан пул аядим, қачон! Уғлинг ёнимда йўқ, деб чиқиб кетганида Зуннунвойдан ўн сўм олиб чиқиб бермадим-ми? Кунингга ёмон бўлсам ҳам ўзим ярадим-ку, ношукур банда.

У шундай деб турди-ю, яна эсига алланарса тушиб, баттар туюқиб кетди.

— Бутун умрим самоварда ўтармиш! Яна иғвонинг конимишман. Гапни қаранг, ўтганнинг ўроғини олармишман, кетганнинг кетмонини. Кимнинг келини рўмолсиз ўтяпти. Кимнинг хотини пайпоқ киймапти. Шуларни гапирармишман. Ундан кўра жавобимни беринг, деб туриб олсанг, бунчалик алам қилмасди. Гап ичимда қолиб кетарди.

— Қачон дебман, чоли тушмагур, кимга дебман?— уларни юмшатишга уриндим. Қаёқда, отдан тушсалар ҳам, эгардан тушмасдилар.

— Журналда мени уриб чиқибсан-ку. Бутун самовар гапиряпти.

Қарасам, қозоннинг қораси нукул менинг бетимга суртиляпти. Мен ҳам бўш келмадим.

— Э, худо кўтарсин, ўша қари шайтонларингизни. Иғвони ўшалар қиляпти. Ўзи ҳикоя ўқиганми умрида. Аслида ҳикоямас,

ўшаларни номма-ном ёзиб пилятон қилсам бўларкан. Сиз ҳам лақ этиб гирдобларига туша қолибсиз.

— Қилар ишни қилиб қўйиб, тилини бермайди бу...

— А! Сизни мендан ажратишяпти-ку индамайми?

— Сенга худо бас келмаса, банда бас келмайди.

Чолим шундай девдиямки, эшикдан ҳаллослаганича қудам кириб келди. Бирам суюниб кетдим. Ҳеч бўлмаса, чолимнинг жағи ўчади-ку. Қудам шўрлик чолимнинг важоҳатини кўриб эсанкираб қолаёзди.

— Вой, нима бўлди, қуда?

— Нервилар, айланай, қани-қани уйга кириб,— уни меҳман-хонага бошладим. Негадир қудам кўнмади. Шундай айвонга чўккалай қолди. Ташвиши зўрга ўхшайди. Тагига солган кўрпачам ҳам татимади. Ҳатто дастурхон ҳам ёздирмади.

— Қизим келмасдан тезроқ кета қоламан. У келганимни билмагани маъқул.

Тавба, келиним нега онаси келганини билмас экан, қайтага курсанд бўлмайдими?

— Ану... қудажон... айбга буюрмайсиз. Уғлим журнол олиб келувди. Ушанда...

Ҳм... тушундим, қудам нега бевақт келдилар деб ўзим ҳам ўйловдим. Гап буёқда экан-да.

— Ҳм... ҳикоям чиқувди,— дедим шошилмай.

— Қудажон, энди келинингиз қандай қилиб бошини кўтариб юраркин?— деди тўкилиб-тўкилиб кетай деб.

— Айланай қуда...

— Биламан, ҳали келинингиз уй юмушини қилишни унча билмайди, бечора отасиз қолиб, укаларимни боқай деб... бутун ўқиш, иш билан бўлиб...— унинг кўзи жиққа ёшга тўлди.

— Қудажон, қизингиздан мингдан-мингга розиман. Келин бўлар, шунчалик бўлар.


— Ундай бўлса... нега ёмонлаб чиқдингиз? Энди одамлар, қиз ўстирмай ўл, деб мени лаънатлашмайдими?

— Қўйинг-е, қудажон, ахир бу ҳикоя-ку.

— Майли, ишқилиб қизимнинг турмуши бузилмасин. Бечора болам бахтли бўлсин деб...

Вой, ҳикоя ёзмай мен ўлай. Ҳали қудам қизимнинг уйи бузилади, деб ўйлабди-я. Келиним шўрлик қаёқда-ю, ҳикоядаги даж-жол қаёқда. У қилдим-бу қилдим, ишқилиб қудамнинг кўнглини кўтариб, уйига жўнатдим.

Буям ҳолва экан. Эртасига лозимадам чиқиб қолувди, бозор-ўчардан у-бу олақолай деб тушувдим. Тушсам, лоп этиб олдимдан қизимнинг қайнонаси Рухатой чиқиб қолди. Анчадан нари кўрмов-



367452

дим, суюниб кетдим. Сизга айтсам, суюнганим дарров сўкила қолди. Роҳатой мени кўрди-ю, бирдан қовоғини уйиб олди. Бундай қарасам, энсаси қотиб кўришгиси ҳам келмайди.

— Тинчликми, қуда?— дедим у мендан анча ёш бўлсам ҳурмати учун кўришиб.

— Тинчликмиш-а, қилар ишни қилиб қўйиб...

— Ё, товба,— деганимни биламан, Роҳатойнинг лаблари пир-пираб кетди. Кўзлари косасидан чиққудек ғазабга тўлди.

— Ана қизингиз, мен чини билан сиз ёзган қайнона бўлсам, тўрт томони қибла. Ўғлим қўймасаям мен қўяман. Бориб юкларини олиб келинг.

У шундай деди-ю, тўхтанг, тушунсангиз-чи, деганимга қарамай, шиддат билан жўнаб солди. Мен турган жойимда бир оз туриб қолдим. Наҳотки... Тавба... Ҳикоя ёзганимга шундан кейин минг пушаймон бўлиб кетдим...

Йўқ, айланай, сўзимни қайтиб олдим. Шуларнинг шу қилганига қўлимдан келганича ёзаман, токи чолимдан тортиб ҳамма ҳикоя нима-ю, пилятон нималигини ажратиб олсин.

СЎНГГИ АХБОРОТ ХОЛА

Жуда хафа бўлиб кетдим, тасаддиқ. Муштумдай бошидан ўзидан каттага тик қараса, йўқ-йўқ, чалғитманг, Розиябуви. Сирасини айтсам, сизникига чиққани юрагим безиллайдиган бўлиб қолибди. Бундоқ яйрабгина гапиришга ботинолмайман-а. Энди лабимни жуфтласам, набирангиз Зулфи шақ-шақ оғзимга бир уради-ю, хиппа бўғади-қўяди. Буям майли-я, эллик йиллик қадрдон хонадонимдан охирида эшитганим шу бўлдимми? Мен... сўнгги... ҳаҳ... сўнгги ахборот холамишман. Бу гапнинг мағзини чақиш у ёқда турсин, ўзини айтишга зўрға тилим келяпти.

Розиябуви гапларимдан гаранг бўлиб турувди, бирдан шақ-шақхоннинг шарақлаган овози келди. «Вой, хола-ей» дейди-ю яна шиддат билан кулади.

— Эшитиб турган экансан-да, ишпиён,— дедимда терс ўгирилиб чиқиб кетмоқчи бўлдим. Шу пайт Зулфи учиб келиб, елкамдан тутганича ўтказиб қўйди.

— Холам тушмагур-ей, ҳали хафаман денг,— кулиб турган лабини йиғиштириб олиб деди Зулфи.

Гапирсам, яна биттаси қўндирмасин, деб индамай қўя қолдим. Зулфи радиога қаради.— Сўнгги ахборотни эшитганмисиз, хола,— деди шўхгина.

— Ҳм,— дедим энсам қотиб.

— Агар эшитганингизда...

— Нима қиларди?!— дедим сен ўткурга мен ўткур деб. Қарасам, алифни калтак деёлмайдиган одамга гап уқтиргандай сайраб кетяпти: «Сўнгги ахборот»да-чи, холажон,— дейди,— энг антиқа воқеалар хабар қилинади. Ҳамманинг юрак урушидан огоҳ бўлиб турасиз.

— Во-ей, саводимни чиқарвординг-ей,— дедим бурнимни жиёриб. Ахир калака қиляпти деб ўйладим-да.

— Рости билан, холажон. Радио эшитасиз-у «сўнгги ахборот» деганига кам эътибор берасиз.

«Сиз биладиган бўлдингиз-у биз ҳеч нарсанинг фаҳмига бормайдиган бўлдикми» деган оҳангда «Ҳа, гапира қолинг» дедим.

Шундай демасам қиз қози бувисининг олдида у-бу деб обрўйимни бир пул қилмасин, дедим-да. Шундай деганимни биламан, Зулфининг шаддотлиги тутиб, бўйнимдан маҳкам қучоқлаб олса бўлади.

— Хафа бўлдингизми?— деди у чақ-чақ уриб ва ажин босган юзимдан ўпди.

Охири «йўқ» деб зўрға қутулдим.

Уйга чиқиб, бундоқ таналга ўйлаб қарасам, гапида жон борга ўхшайди. Бориб радиони қаттиқроқ бураб қўйдим. Аксига олиб варанглатиб концерт бераётибди. Ҳа, айтганча, яна бу кампир қолоқ экан, деманг. Одам учса, радиодан эшитиб, қўшниларга югурган ким? Мен, айланай, мен Ҳамма пешона терисини тўкиб далага чиққанда, пахта плани тўлганини эшитволиб, уйда ўтирган хотинхалаждан суюнчи олган ким? Буям мен. Зеби отиннинг набираси варрак учираман, деб томдан йиқилганда... Йўфе, бунисини радиодан эшитмаганман. Хуллас, бунақа ҳожатбарон гапларни айтаверсам, Зулфихон демаганларга сичқоннинг уйи минг танга бўлиб кетади.

Кечга томон ахборотга қулоқ солсам, уки гапларни гапиряпти: Аллақайси мамлакатда хотинлар эркаклар билан копток тепар ўйнаганмиш. Яна сал бўлмаса ютай дейишганмиш. Улдингми, эркак билан бас келаман деб. Яна ўйлаб қолдим: Бизда эркак-хотиннинг ҳуқуқи баб бараварлигига ҳаваслари келганидан, бизнинг ҳам сиздан камлигимиз йўқ, ҳуқуқимизни баб-баравар қилиб беринглар, деб тўполон қилишгандир-да.

Буям майли-я, қайси бир шаҳардаги тўқсондан ошган кампир паҳлавондай ўғил туғибди. Уни эшитиб, кенжатойим олдимда ўтирувди, менга ҳайрон бўлиб қараса, ер ёрилмайди-ю, ерга кириб кетмадим. Ортиқ олдида ўтиролмай, югурганимча Истадбонуникига чиқдим. Айтиб берсам боягини нуқул «бошимнинг оғриғи ерга», «бошимни оғриғи ерга» деб кулади. Унинг одати шунақа. Умр бўйи эшитмаган бирон янги гапни эшитса, шунақа дейди. Истадбону кулатуриб мени ошхонага бошлади. Идиш-товоқ қўйган ишқопини очиб, ичидан эҳтиётлик билан бир нарсани олиб, менга узатди. Узи нишолдадай оппоқ: ваҳимаси ичида, нах янги туғилган чақалоқнинг калласидай келарди.

— Бугун олачипор товуғим қилди,— деди мағрур.

Энди менам бошимнинг оғриғи ерга, деб тухумни қўлимга олсам... Наҳ ярим килоча келади-я...

— Ҳай эгачи, буни Маскопга, встопкага юборинг, медаль ола-сиз,— дедим шоша-пиша

— Ҳа-я, рост айтасиз.

Шу чиққанимча Маъруфахон ва Ўктамхонларникига, ундан

Лутфинисаларникига ўтдим. Уки гаплар, уки гаплар... Зап орзу-ҳавасли одамлар бор-да. Лутфиниса ўртанча ўғлини уйлантиряпти. Келин саломга гарнийтур олибди-я, келинники жилойдан экан, буларники ухлайдиганданмиш. Бирам, ҳавасим келди. Кейин секин ўзимга ўзим:— Эй, кампиршо сенам бозорнинг киндигини кесганингда келинингнинг бошига гарнийтурмас, участка қўярдинг»,— дедим.

Айланай, яна манови гапни эшитинг. Норғил паттачи қўлга тушибди. Ҳа-ҳа, ҳув толнинг тагидаги ҳовли ўшаники, уйдан беш бўхча жемпир, ловиллаши кўзингни оладиган чулок деган бора-кан-ку, унданам бир дунё, яна аллама балолалар чиққанмиш. Ҳа, ҳа, менам ҳозир эшитдим, сизга хабар беряпман. Мен дейманда, намунча шунча йиғмасанг, нимангга етказа олмаётувдинг, орқанг-да қоладиган бола-чақанг бўлмаса. Ҳа, баднафс хўроз-а, ундан кўра, ҳалол ишлаб, ҳалол емайсанми.

Шундай қилиб, айланай, Зулфи қиз баҳона, анча юмушли бўлиб қолдим. Нега десангиз, уйда ўтирган кампирларга ўтда-бўтда кўрганларимни, эшитганларимни айтиб берганим савобда. Улар атрофдаги гаплардан, бошқа шаҳар-қишларда бўлган қизиқ-қизиқ воқеалардан хабар топишлари керак-да. Менга ўхшаган чаққочроғи бу ишни эпламаса...

Буни қаранг-а, гапга тушганим бор бўлсин. Хайрихон неваратўй қияпти. Ушаникига хотин ошига чиқишим керак. Тўйга айтилмаганингиздан озор чекманг. Келгач ҳаммасини ўзим айтиб бераман. Кимга қандай сарупо қўйганиниям. Ҳатто тойча жонворни неча пулга кредитга олганиниям. Хайр, омон бўлинг.



Ассаломалайкум, редактор болам, замонанинг зайли билан олдинга келиб қолдим, хафа бўлмайсан-де, а?! Ҳамма ҳадди сиғиб, кўнгли тортган эшикни очади. Яна шикоят қилиб келибдилар, дема. Зинҳор-базинҳор бундай одатим йўқ, холисанилло гапни айтаману кетаман.

Шу десанг, яқинда ўғлимга бир уй беришувди. Йўқ-йўқ, раҳматли қайнатамнинг буваларидан қолган ҳовлимиз бор эди. Ер қимирлаганда шўрлик тутдай тўкилиб тушди. Камиса ер оласизларми, домми, девди, ўғилларим «дом» деб туриб олишди. Бошимда бош эгам бўлмасаларки, белларини маҳкам боғлаб, участка қуришга бошчилик қилсалар, дедиму, дам ўксиниб, дам юраккинам увишиб, рози бўла қолдим. Қатта ўғлим билан бола-чақасига алоҳида, ҳали бўйдоқ ўртанчам, кенжам ва менга алоҳида уй беришди, Шундоқ Шайхантовурдан кираверишингизда. Сенга айтсам, айланай болам, уймисан уй экан, худди попукка ўхшайди-я... Бу орада ўртанчам ҳам уйланиб, бола-чақали бўлди. Кенжам ҳам қараб турармиди, домнинг ҳовлисида унга ҳам данғиллама тўй қилиб бердим. Узингдан қолар гап йўқ, айланай болам, уй ёшларга торлик қилиб қолди. Ҳайтовур ариза ташлаб қўйган экан идорасига, уй паттасини кўтариб келди кенжам — Абдиносирим. Тузнасибани қарагинки, отам раҳматликнинг бир вақтдаги ҳовлилари ўрнига тушган уйдан беришибди. Ушатнинг номини эшитдим у кўнглим чақнаб кетди. Назлимда отам тирилиб келгандай бўлдилар. Ҳаммасидан ҳам улар яшаб ўтган ернинг чироғи ёнишидан хурсанд эдим.

Бир ҳафтача ўтгач, Абдуносир «Юринг ойи, кўрсатиб келай» деб қолди. Суюнганимдан олдига тушиб келавердим. Ярим йўлга борганда калити эсимга тушиб қолди. Болам ўлгундай бўш-да, яна эсидан чиққан бўлса-я деб сўрасам, ҳали беришмаган экан. Трамвайдан тушишим билан «ҳув анави уй» деб кўрсатганди, ҳалиги уй лов этди-ю юрагимни олиб қолди. Тавба, меҳрнинг тушиши хўп қизиқ нарса-да. Тезроқ етақолса-му ичкари кириб, ўғлимнинг уйини кўра қолсам, дейман.



Уй ёнида одамлар тўпланиб туришган экан, бизам бориб турдик. Кимдир қарилгимни ҳурматлаб олдинга ўтқазиб юборди. Гапираётган пирараб деган аёл экан, ўзиям кўҳликкна, элликларга борган бўлса-ям, хушбичим. Қарасам, унинг гапи узоққа чўзиладиганга ўхшайди. Унга яқинроқ бордим-да.

— Ҳай, болам, калит дай суда,— дедим. Ҳамма ҳайрон бўлиб менга қаради. Ҳалиги хотин бўлса, қаддини секин орқага тортиб кўзларини пирпиратиб қаради. Қайдан келиб қолди бу кампир дедими? Буни қаранг-ки, яна ўзига келиб, елкамга қоқиб қўйса.

— Холажон, квартирангизга кираверинг, эшиги очиқ.

— Ҳа, болам, тушмагурей, шуни боядан бери айтмайсанми, байт ўқийвермай.— Бу орада ўғлим секин тирсагимдан тортиб имлаб қолди.

Тавбангдан кетай, йўлагидан кирдиму, ёқамни ушлаб қолдим. Зинасининг суянчиги бор-ку темирдан қилинган, ҳа, ҳа, устидаги

шланкасами, резинкасами, нима дейсизлар, ерда чуваланиб ётган экан, шундай қоқилдимки, учиб кетишимга сал қолди. Ишни шунақанги хом қилганларни ўғлимга койиб бердим. Шунда ўғлим демантики, ҳой, ои нервиззи эҳтиёт қилинг, ҳали керак бўлади деб. Бир амаллаб учинчи қаватга чиқиб олдим. Чиқсам, эй, худоей, яп-янги уй варанглаб ётибди. Ичкари кирсак, уймисан, уй экан, поли, менку фарқини билмайман, ўғлим мақтади, паркитмиш. Кираверишининг катталигини кўрсанг. Бемалол ўнта одам тик турса бўларкан. Залининг ўзида хотин оши ўткаэса бўлади. Ошхонасичи, ҳатто бир вақтдаги уйимиз ошхонасидан ҳам кенг. Айвонини айтиб ўтирмай, бир борсанг кўриб келарсан.

Бир вақт бундоқ ўғлимга қарасам, янги уйга боряпман деб янги кастюмини кийган экан, ҳеч қаёғига қараб бўлмайди. Ҳамма ёғи оппоқ пушти ранг, зангори оҳак.

— Дарров қаердан юқтира қолдинг, десам уям ҳайрон. Деворга бундай қўлимни суртарманми, вой-ву, ана пардозу-мана пардоз. Уғлим, ўзиз ҳам юқтирибсиз, деб, у ҳам пиқир-пиқир кулади.

— Ҳой, болам, бу уйда қандай қилиб юрасанлар, умринг кийим чўткалаш билан ўтиб кетади-ку бунақада.

Оҳакнинг суркалиши ҳолва экан. Ҳамма иш электрдан бошланди.

Нима деб тушунтирай сенга, ўғлим ҳам ишлайди, келиним ҳам. Янги уйнинг нари-верисидан хабар олиш ўзимга қолди. Ҳар куни бир-бир хабар оламан, кучим етганича ғимир-ғимир қилиб уй тозалаган бўламан. Шундай ярақлайдиган ойналарга теккан мой бўёқларни пичоқнинг учи билан қираман. Ростини айтсам, қўлим дарров толиқиб қолади. Шунақада, ойнасини қўйиб, кейин ромини бўяган усталарни койиб-койиб қўяман. Бу орада ҳар кун киравериш эшикка бир иғлон ёпиштиришади. Баъзан бита-яримтага ўқитволаман. Баъзан олдимда ҳеч ким бўлмагач, ўтдан-бўтдан ҳижжа-лаб ўқийману мағзини тушуниб оламан. Шунда саводсизликни тугатиш даврида алифбони таниб олганимдан хурсанд бўлиб кетаман.

Кетаётиб иғлонни ўқиттирсам «уйингизда бўлинг, электрчилар келади» деб қўйишибди. Эртасига саҳарлабдан келволдим ва тиқ этса эшикка кўз тутиб ўтирдим. Пешин бўляпти йўқ, номозгар бўляпти йўқ. Эртасигаям кута-кута тоқатим тоқ бўлди. Охири кутавериб чарчаб, пастга тушдим. Суриштирсам, ҳов, ана дам оляпти, дейишди. Олдига боргандим ҳамки бола бечора ўрнидан туриб, салом берди.

— Маникига чиқмайсанми болам, десам, бугун кеч бўлиб қолди. Навбат етмади. Эртага эрталаб тўғри сизникига келаман, деди.

— Ишқилиб қўйнимни пуч ёнғоққа тўлдирмагин, десам, йўғе, буви деб кулади. Йўқ, ваъдасига вафо қилиб эртасига соат 9 га етиб келди. Бир балони улади. Учириб-ёқадиганларни чиқиллатди. Бунни қаранг, биронта чироқ ёнмасе-я. Иликтрчи боланинг ҳам тела сочи тик туриб кетди. Қутичаларни очди. Ичидан қийтим-сийтим симларни олиб ташлади. Бари бир бўлмади. Пешинга бориб икки уйнинг сим ўтган жойлари илма-тешик бўлиб кетди. Илик-тирчи деворни шунақанги бемалол бузардики, мен уи стулдан олиб, улоқтириб юборгудек бўлардим.

— Ҳой, секинроқ, агар чорвоқни бузаётган бўлсанг ҳам, Афтидан бола бундай ишларга устаси паранг бўлиб кетган, жилмайиб ўз ишини қилаверарди.

Кечга бориб чироқларим ёнди, аммо уйнинг аҳволига маймунлар йиғларди. Эртасига югура-югура каттаконидан сувоқчи олиб чиқдим. Тавба, у сувашдан олдин нуқул томоғини қириб қўлимга қарайди. Бир амаллаб отанг яхши онанг яхши деб, ишимни битириб олдим. Ана ундан кейин кўринг уй шўрликнинг ҳолини: оч пушти, оч ҳаво рангга оқланган уйлар эмасми, албастр отнинг қашқасидек ажралди-қолди. Юрагим баттар қисилиб кетди. Болам шўрлик шундоқ уйни ташлаб, ямоқ уйга кирадими? Кел, уни овора қилмай, ўзим югура қолай дедим-да яна кечаги каттасига бордим. Борсам, майингина бўлиб, бизда бўяқчилар аллақачон кетиб қолишган, ўзингиз бир амаллайсиз,— дейди. Нима қилиб амаллайман.

— Залдивор тутиб қўярсиз.

— Болам, қозиқлунги тутсам ҳам бекилмайди, тиқ этган жой борки, ҳаммаси ямалган.

Кимдир унинг олдига кирувди, мен билан гапини тугатган бўлиб ҳалиги билан овора бўлиб кетди. Утириб-ўтириб чиқиб кетдим. Кайфим бузилиб энди эшикни очиб ичкари кирарманми, йўлакчасидаги паркити бир ғирчиллади-ю иннана бўлиб кетди.

Ўзиям уч-тўрт кун ичида уй поллари ғарчиллама этик кийгандек бўлиб қолганди. Энди бу нимасси? Яхшиям бувангиз раҳматлик уста бўлиб ўтган эканлар, унча-мунча иш ўзимнинг ҳам қўлимдан келарди, дарров тўртта миҳ толиб, қоқиб қўйдим.

Уч-тўрт кун ўтгач, сувчилар келди. Совуқ сув берамиз, дейишди. Суюниб кетдим. Бир вақт пастда ўзимга ўхшаган кампирни учратиб салом-алик қилиб қолувдим, бирдан иккинчи қаватдаги жувон холачи хола, деб ҳовлиққанча чақириб қолди.

— Юринг-чи, юринг, сув тошиб кетяпти.

Қоқилар-суқиларимга қарамай, уникага кирсам, ошхонасининг девори ювилиб тушяпти. Вой, ўлмасам, дедиму, ҳаллослаб уйга чиқдим. Тушимми ё ўнгимми, ошхонамнинг турбаси фонтан бўлиб

ётибди. Сувнинг ўзиям бир қаричча кўтарилибди. Кўрдиму, эсим чиқиб кетаёзди. Сув балосидан ўзинг асра дегани шу-да.

Қўшним ғириллаганича пастга тушиб кетди. Мен, эски пақир-ни сувга қўяман, тўкиб улгурмайман. Йўқ, ҳайтовур, сув бирдан тўхтаб қолди. Кетма-кет иккита уста чиқиб алланима балолардан ўт чақнатиб тўғрилаб кетди. Сизга айтсам, ишини чалароқ қилган эканми, ҳалиям ўша жойидан чакиллаб ётади.

Ўғлим уйнинг ҳолини кўриб йиғламоқдан бери бўлди.

— Ойи, бошқатдан оқламаса бўлмайди,— деди куйиниб.

— Нима қиласан, оқлайсан-да, фақат юқмайдиган қиласан.

Хуллас янги уйнинг ташвиши ортиб кетди. Ишхонасидагилар инсофли экан, отпуска сўраса, дарров хўп, дейишибди. Оқлайман, деса, уйнинг ҳали у ери кўчиб тушади, ҳали бу ери. Жуда қисилиб кетди болам шўрлик. Йўқ, бир амаллаб у-ю, айвонларни ярақлатиб, кўчиб келди. Бу орада иссиқ сув ҳам берадиган бўлишди. Олди қиш эмасми, батареяларни иситадиган бўлишди. Юрагимиз ёез-без қилиб турибдики, бу ерда ҳам бир ишқал чиқмасин, деб. Чиқди, айланай чиқди. Иккита батареяси деворга қараб сув урворса жон-поним чиқиб кетди. Бирини улашди, бирининг ўрнига бошқасини ўрнатиб бериб кетишди. Айтишга осон бу гаплар. Ўзинг ўйла, болам, наҳот битта янги уйнинг ташвиши шунчалик бўлса. Бировга айтсанг, ишонмайди, лекин шунақасиям бўларкан-да.

Мана энди ўн кунчадан бери ҳалиги батареяларининг уланган жойи чак-чак қилади. Одам чақирсак, ўзи бора-бора тўхтаб қолади, дейди. Ҳар куни тоғора-тоғора сув ташлаганимиз ташлаган. Кеча менга жуда қизиқ туюлди: ўғлим тоғарадаги сувни ваннага тўкаётиб ҳиргойи қилади:

Том бошида тоғора,

Тандир тўла зоғора, деб.

Ҳа, боламей, ўша тоғора том бошида эмас, уйимизда турибди. Ҳар тоғора кўтарилса, афандининг шу кўшиғи менинг ҳам эсимга тушадиган бўлиб қолди. Сенга маслаҳатга келдим, болам, нима, уй қурадиганларнинг каттасига бориб, қулоғидан бурасаммикин? Онаси ё бувиси, қаториман, хафа бўлмас. Борди-ю, хафа бўлса, янаям яхши. Бундан кейин сал сифатлироқ қилиб қурадиган бўлади. Сувдан ҳолва пишириб, қуқуқанд, еяверинг, деб юрмайди.

ШОШМАНГ, АЙЛАНАЙ, ШОШМАНГ

Қаричилик экан-да, айланай бону, бўш қолдим дегунча дунёнинг у бишидан кириб бу бошидан чиқаман. Баъзида ёшлигимни эслаб, кўнглим Мирзаабдуллавойнинг қудугидай чўкиб кетади. Бирдан пири бадавлатлигимни ўйлайману, яна ёруғ дунёга тўймай қолам. Пири бадавлатман деганимда эсимга тушиб кетди. Шўро ҳукумати энди тузилиб, сара саракка, пучак пучакка ажралаётган пайт эди. Бир кун эшикдан секин кўчага мўраласам, битта катта машинада лиқ тўла қоп олиб ўтишяпти. Соддалик ўлсин, суюнганимдан эсим чиқиб кетаёзибди. Кириб у кишига нима дебман, денг:

— Худога минг қатла шукур, ҳукумат ўлмас экан, унинг бир машина қопи бор экан.

Вой, уларнинг кулганлари, уларнинг кулганлари. Энди эсласам, гапим ўзимгаям кулгили туюлади. Ушанда бошқача кўринибди-да кўзимга. Нега десангиз, битта тешик қопни ямайвериб эсимиз кетарди. Ҳукумат жуда бой экан деб ўйлабман.

Бу гапни набираларим ҳам эшитиб олган денг, ўқтин-ўқтин: «Буви-буви, ҳукуматнинг қанча қопи бор?» деб қўйишади.

— Ҳа, болаларим-а, қаттиқчиликни кўрмагансанлар-да... илоҳим кўрмаларинг, дейман.

— Энди, айланай, қўшни, ўзингиз ҳам оқ-қорани анча таниб қолгансиз. Ушандаги соддалигингиздан сира-сира қолмаган.

— Нега энди ундай дейсиз? Сут билан кирган жон билан чиқади.

— Шошманг-шошманг, бўлмаса, ҳув ана унда аллакимга сим қоқиб, шунақа дўқ қилармингиз?

— Қўйинг-е, сира дўқ қилмаганман, бону... Сочимнинг оқини ҳурмат қилиб...

— Бо, телефонда сочингизнинг оқи кўринармидики...

Агар ўша чалларга борсангиз, сиз ҳам тери тўнингизни тескари кийиб олардингиз. Аллақаяққа, ишқилиб, узоқроқ жойга кетган эдингиз чоғи, Назмихон қаншари паст келинининг чалларига қўяр-

да-қўймай олиб кетди. Машина ҳали юряпти-ҳали юряпти. Бир вақт тақ этиб тўхтаганда, хотинлар бирдан чувиллашиб кетишди.

— Тушасизлар, у ёққа машина ўтолмайди, ботқоқ,— деди кимдир.

Бундан икки кун олдин сел қуйиб, ҳаво жониворнинг армони қолмаганди. Шофер ҳам ўларча қайсар экан, ахир ўзининг айтганини қилди. Хотинлар тугун-терсагини кўтариб, сирғана-сирғана зўрага жин кўчага киришди. Биб-бинойи борган одам ўша ерни кўрдиму феълим айниди-қўйди... «Ҳай, болам,— дедим ёнимдаги ёшгина келинга,— ҳукумат бу кўчани кўрмаганми?» Келин кулдида, «Кўргану, вақти-соати битмаган-да тузатишнинг ҳали» деди. Бирам жаҳлим чиқса: «Ёлғон гапирдинг, болам, бу кўчани ҳукумат кўрмай қолган, кўрганда эди аллақачон ковшинини олиб келиб, ботқоқни сидириб ташларди», дедим. «Бувижон, агар сизнинг ўрнингизда бўлсам, мана шунақа кўчалар каттақонининг қулоғини шундоқ бураб кўярдим», деди. Тавба, гапи таъсир қилса, денг. Эртасига институтда ўқийдиган бижи-бижимга ялина-ялина кўчаларнинг каттасига тилпин қилдиртирдим. Қизим тушмагур қора қошиқнинг ичидаги овозни эшитди-ю, кўлимга берди... Балодай саловат босаркан, оғзимдан гап чиқиши билан қора тер босиб кетса.

— Айланай, сен ҳукуматмисан?— депман даб-дурустан тилпонни қулоғимга тутиб.

— Йўғ-е...— бир нарсадан қаттиқ чўчиган овоз келди.

— Кўчаларнинг каттақони бўлганингдан кейин ҳукуматсан-да, болам... Анучи, бувинг қоқиндиқ, чалларга борувдим. Гадой топмас кўчалар экан. Ё испискангдан у кўча тушиб қолганми?

— Қайси кўча деяпсиз, кампир?

— Қайси кўчалгини сенга неварам айтиб беради... Мен ҳам ҳамма гапимни гапирволай, эсимдан чиқиб қолади бўлмаса... Ҳа, шунча кўчага семон ётқизибсану, нега уни ўгайдан баттар қилиб қолдириб кетдинг. Ҳеч бўлмаса тўй-ҳашамни ўйла, болам. У кўчани топишга қийналаман десанг, бижи-бижим оборсин...

Пишаётган сутдай повиллаб бораётгандим, бижи-бижи енгимдан тортиб, бўлди энди, дейди.

— Вой, нега бўларкан... Қоч, нарироқ тур... Ҳой, ҳукумат болам, Рисолат бувининг сўзини ҳеч ким иккита қилмаган, агар сен инобатга олмасанг, чалларга бориб калиши, потини ботиб қолган хотинларнинг ҳаммасини йиғиб бораман, бекингани жой тополмай қоласан...

Ашинақа қилиб бир дунё гапириб юборибман. Буни қарангки, ҳукумат болам жуда ақлли экан, қайси куни Назмихон қудасиникига бориб келибди. Кўчаси новотдай ярақлармиш. Кўрдизми,

бонужон, обрў бераман деса, гапингизни тилипондаям ўтказар-кансиэ.

Энди қайси куни азза-базза газетдан одам кепти. Расмимни олармиш, Умримда ҳукуматнинг битта идорасида ишламаган, алифни танимаган одам бўлсам, деб тихирлик қилувдим,

— Шунча ўғил-қиз, невараларни тарбиялабсиз, элу юртга хизмат қилганингиз шу-да,— дейди.

Усталда ўтириб, бир марта бўлсаям мириқиб ишламаганман, деб ич-ичимдан куйиниб юрардим. Шу гапни эшитдим у хурсанд бўлганимдан жилмайсам, чиқ этиб олиб қўйибди... Бир ҳижолат чекаман: оғзим карнайдай очилиб қолган бўлса, ўла, шу аҳволда суратга тушмасанг, кимнинг кўнгли қолувди, дейишмасмикин? Шундан кейин неча кунгача юрагимни ҳовучлаб юрдим.

Бир вақт бижи-бижи бир даста газет олиб келиб қолди. Улар орасидан биттасини танлаб олиб, бундай очса... Ё, алҳазар, менинг расмим! Кўзларимдан тилла кукуни сочилиб кетди... Буни қаранг, биб-бинойи тушибман. Яна тагига «Бахтли буви», деб ёзиб қўйганмиш. Кечқурун уйим шунақа газетга тўлиб кетди.

Сизга айтсам, ўша газетадаги яна битта расм кўзимга иссиқ кўринади. Бу ким деб сўрасам, шуниям билмайсизми, деб кулишадигандай. Кўзойнагимни тақиб олиб, унга тикиламану, тикиламан. Уйлаб-ўйлаб охири топиб олдим. У Ленин бува экан. Энди суюнганимни қўяверасиз.

— Ленин бува дейсизми?

— Ҳа, шунда кўнглимдан бир гап ўтиб кетди. Агар Ленин тирик бўлса, уйимга бир амаллаб айтиб келардим. Кўнглим сезиб турибди, ҳаммага йўқ десаям, худо раҳмат қилгур, менга йўқ демасди. Ҳовли ўртасидаги сўрига янги гиламни ёзиб, хонтахта устига уки йўқ нарсаларни қўйиб, эҳ, сиз-ей, аччиққина бир пиёла чой узатиб...

— Бо, ҳаммани қўйиб Ленин сизнинг уйингизга келармиди?

— Нега келмас экан. Тирик бўлса келарди, ҳеч бўлмаса, ўзингиз ўйлаб кўринг. Гўринг билан бир нур бўлгур Ленин ва менинг суратим битта газетда чиқса-а, уям одамларга мулоимгина қараб турган бўлса, мен ҳам. Уша газет қўлига тушган одам ҳам мени, ҳам Ленинни кўрса... Хўш, энди айтинг-чи, у тирик бўлганда менинг уйимга келармиди ёки шахтимни қайтариб, келмасмиди? Келарди, айланай, келарди, қўлимдан бир пиёла чойни олиб ичарди. Гапларимга қулоқ соларди. Болаларим ўқиган, десам, сизга ўхшаб, ҳамманинг ҳам боласи ўқиган деб, оғзимга бир урмасди. «Роҳатини кўринг, ҳукумат ҳам роҳатини кўрсин» дерди.

— Борди-ю, нима етишмовчилигингиз бор деса, нима дердингиз?

— Ҳай, рост-а, шунақа деса, нима дердим?.. Шошганда лаббай топилмайди... Ҳа, минг қайта шукур, еганим олдимда, емаганим кетимда, дердим.

— Шундоқ одам шу гапингиз билан индамай кетаверармиди?

— Шошманг, айланай, шошманг, яна бунақа дердим, қариб қоляпман. Сочимнинг биттаям қораси қолмади. Дўхтирларга таъинлаб қўйсангиз, умримга яна йигирма ўттиз йил қўшиб беришса... Энди роҳатни кўраман деганда, пақ этиб ўлиб кетсам... Туфтуф, нафасим илоҳим кўкнорихонага борсин... Келинг, майли, худди шу пахта пиёлада битта чой ичинг. Ленин бўлса, албатта, шу пиёлада чой қуйиб узатардим.

Ҳай, укам нега билетингизни оғзингизга соляпсиз? Еб қўйсангиз... Кулгингиз илойим яхшиликка кўринсин. Билетни еб бўлади-ми, дейсиз-а. Ейишга еб қўйганингизни ўзингиз ҳам билмай қола-сиз. Ёқангизни ушланганг. Бошимга тушгани учун айтаман-да.

... Уша куни учгани қанотим йўқ эди. Қуда бўлмишимникидан шундай чиқдим-у, трамвайга ўтирдим.

Анчадан бери кенжа ўғлимни уйлантириш тараддудиде эдим. Қиз қидириб десангиз, очмаган эшигим, кўрмаган қизим қолмади. Ўзиям инжиқроқ бўлиб кетибманми, бирини ўпоқ, бирини сўпоқ дейман. Бунинг устига устак неча марта кучукка таланганимни, неча маротаба кўргани борган қизларимдан дакки еганимни асти қўяверинг. Айниқса, битта шўхроғига учраб қолибман, денг, удуквор қиз эшигига ялиниб бормайман, деб юборишимга бир баҳя қолди. Уша қизга орзимандамидим. Қўшнимнинг келини дарақ солгани учун бора қолувдим-де. Қизи тушмагур кўзи тушди-ю, совчиларга, сакра бодом қилиб уйга кириб кетди. Ойиси билан гаплашиб турибман-у, икки кўзим у томонда, ҳали чиқармикан деб пойлайман, чиқмайди. Кўриб кетмасак яна бўлмайди. Ойиси кириб бир кўриниш бера қол, дейди. Қиз жуда ўжар экан, сира кўнмайди. Қўшним иккаламиз туравериб сарғайиб кетдик. Боре, дедим-да кирдим ичкарига, Қиз овозимни эшитиб деразадан кўчага қараганича бурилиб тураверди. Манам боравердим бостириб. «Келинг, айланай, кўришайлик». Шундай деганимни биламан, орқасидан паридек кўринган қиз ўгирилди-ю... эсим оғаёзди. Бир қиз менга қарардики: афти буришган, тепа лаби бир оз кўтарилган, пастки лаби тиши устига мингашган, буниси ҳам майли-я, агар бурни бўлмаса, икки кўзининг қорачуғи бирлашиб кетармиди: буни кўрдим-у, уйдан нақ қочиб чиққудай бўлдим. Ҳовлига тушганимда қулоғимга қизнинг шарақлаб кулгани эшитилди. Шуниси айниқса иззат-нафсимга тегиб кетди.

Ўзим не аллозда келсаму уйга дард устига чипқон бўлганидек

Ўғлим ёпиша кетса: «Ўзингизча нималар қилиб юрибсиз?» деб койиб берса, хафа бўлиб кетдим.

Ҳа, ҳовридан тушмасакана уйлантириш деса. Бир вақт аллақайси китобининг орасидан битта расмни олиб кўрсатди. «Агар келин кўришни истасангиз, манови қизга бора қолинг» деди. Расмни кўрдим-у кўзим ёниб кетди. Сухсурдай қиз менга ибоб билан қараб турибди. У дарровгина ёқа қолди-ю, лекин талтайиб кетмасин деб ўғлимга бир-иккита аччиқ гап қилган бўлдим. Гап қилсам ҳам боришга кўндим, эртасига эмас, индинига. Ўша кунни ўғлим қидириб овора бўлиб юрманг деб, ўзи олиб борди. Машина келиб-келиб қочиб чиққан уйим олдида тўхтасал Вой ўли-ей, бундан ортиқ жазо борми менга!

— Шу ёққа кираверинг,— эшикни кўрсатиб деди ўғлим.

— Йўқ-болам, бу ернинг тузини бир марта тотганман. Оғзинг тугул оёғинг тагига ҳам олмә.

— Нега энди?

— Ўша ҳурилиққо қиз шу уйда туради.

Ўғлим хаҳолаб кулиб юборди. Фақат энди тушундим, энди тушундим, дейди. Нимага тушунганини мен тушунмайман.

— У сиз айтгандек эмас,— деб ялинади.

Ишқилиб у ёғимдан ўтди, бу ёғимдан ўтди. Бола ширин бўлар экан, яна лаққа туша қолдим.

... Ичкарига киришим билан назлимда онасининг муомилалари ҳам бошқача бўлиб кетгандек. Уй-жойлари ҳам кўзимга иссиқ кўринади, куда бўлмишим шабадароқ деб темир кароватга кўрпача ёзиб юборди. Энди бир пиёладан чой ичмаган ҳам эдикки, эшикдан сочлари тақимига урган чумчақирдай қиз кириб келди. Бизни кўрди-ю, орқасига қайтишни ҳам, қайтмасликни ҳам билмай тўхтаб қолди. Менинг икки кўзим ўшанда. Наҳот дейман ўша кунги қиз шу бўлса. Бўй-баста худди ўша. Лекин туриб-туриб ичичимдан суюниб кетяпман. Нега десангиз, ўғлимда кўнгли бор эканки, уйига келган совчиларга афтини ўзгартиб шундай қилиқ қилган. Товба, бир-биримизни танимай хўп ҳангома қилибмизда.

Қиз ойисининг битта имоси билан келиб кўришди. Бунинг одобини қаранг-ки, кўзимга тик қарамаса. Шундоқ кўрдиму, хоҳласа ҳам шуни келин қиламан, хоҳламаса ҳам, деб қўйдим ўзимга...

Ҳа, айтганчай билетингни еб қўйма деётувдим-а ?

Қайтаётиб трамвайнинг деразасидан қараганимча, ўзим билан ўзим гаплашиб кетаверибман. Бир вақт битта қотмагина йигитча тепамга келиб, қани, холажон, билетингизни кўрсатинг, деб қолди. Мана деб бундай қўлимга қарасам, билет йўқ. Ерда ҳам йўқ, кўкда ҳам йўқ. Олганим эсимда.

Шу билмайман лабимга қистириб оладиган одатим бор эди, еб кўйганманми, хуллас урвоғи топилди-ю, ўзи топилмади. Тағин ҳам яхши текширадиган экан, унча индамади. Шу-шу ким билетини оғзига оборганини кўрсам, ўзимнинг мулзам бўлганим эсимга тушади-ю, ғалати бўлиб кетаман.

Вой, эсим қурсин, гап билан овора бўлиб, астанопкамдан ўтиб кетибман.

Уғлим этувли жойда ишлайди, овсин. Шунинг шарофати билан десангиз, уйимизга тилпон ўтиб қолди. Оҳ-оҳ, унинг қадрини билган одам биларкан. Худди янги тушган келиннинг ўзгинаси-я. Иссигингаям тайёр, совуғингаям. Айниқса, кимни согинсанг, келин-пошша ишга тушади. Уйда боринг бор-йўғинг бор, шунақада шундоқ қулоғини кўтариб, танобини бурасанг, ўғлинг олдингда тургандай бўлади. Бирпасдан кейин қарабсанки, айтган нарсаларинг муҳайё!

Элбурутдан ичим қуриганиям бор бўлсин. Ким билибди ўшанда тилпоннинг тили тагида тили борлигини! Бўлмаса-ку сатқан мақтов кетсин!

Азон маҳал тилпон жиринглаб қолди. Уғлим кечаси билан алланималарни ёзиб чиққан эди, безовта бўлмасин, дедиму қулоғини ўзим кўтардим. Тилпондан бир ёш йигитнинг ҳовлиққан ва жудаям ташвишли овози эшитилди:

— Хола, сизмисиз?

— Ҳа,— дедим мен ҳам катта ташвиш бошимга тушаётганини сезиб.

— Ану...— йигит ҳўнграб юборди,— ойим... ойим оламдан ўтдилар.

— Вой, ўлмасам, қачон?— дедиму, деворга суюниб қолдим. Эс-ҳушимни бундоқ йиғиб, тилпонга кулоқ солсам, дудутлаб ётибди.

Узимни тутай дейманки, қаёқда. Ҳўнграб юбордим. Бор жоним ташқарига қочаётганга ўхшайди.

Ёз пайти бўлгани учун калиш-маҳсимни сандиққа ташлаб қўя-қолгандим. Апил-тапил ўринни йиқитиб, уни олдим. Белимга ўрашга катта шол рўмолимни, ўғлимга чопону қийиқчаниям. Келиним билан ўғлимни кутиб туришгаям юрагим чидамади. «Тўхтанг, бирга кетайлик, дейишларига қарамай, кўчага чиқдим. Ҳали трамваям юрмаган экан. Ҳайтовур визиллаб ўтаётган машинага қўл кўтарувдим, ҳолатимни кўриб тўхтади. Энди машинада кетяпман, денг. Нури билан ўтган болалигимни, ойим билан дадам қазо қилган-

ларидаги иккаламизнинг дод-фарёд чекиб йиғлаганимизни, мендан хабар олувчи ёлғиз жигарим эканини эслаб, пиқиллаб йиғлаб бор-япман. Кўчаси жудаям тор бўлгани учун машина кирмади. Катта йўлда тушириб кетди. Кўчасига бурилаётиб, белимни боғлаб олдим ва овозим борича йиғлаб кетдим: «Майхонам жигарим, ота-онамдан қолган ёлғиз ёдгорим жигарим...» «Дод ўлимнинг дастидан, фарёд ўлимнинг дастидан». Шундоқ ёнгинамдаги эшикнинг занжири шилқ этиб тушди ва синглимнинг кўшиниси Меҳринисо мўралади. Уни кўрдиму «Вой, Меҳринисо, овсиниздан айрилиб қолдим» деб уввос солиб йиғладим. У бечоранинг ҳам эси чиқиб кетаёзди. Йиғлаб бориб, кўчанинг қайрилишига келиб қолибман. Бундай эс-ҳушимни йиғиб орқамга қарасам, синглимнинг уйдан ўтиб кетибман. Кўзларимга ишонмай орқага қайтдим. Ё, тавба, миям айниятими?! Ўликли уйнинг эшигиям бекик бўлади-ми? Белини боғлаганлар қани? Ё бошқа кўчага кириб қолдимми? Мени жуда ғалати қилиб кузатиб турган Меҳринисо ўша уй деб имлади. Шу пайт эшикни итарарманми, у ланғиллаб очилиб кетса, эсим чиқиб кетай деди. Қаёқдан билай, шамол-памол ёпиб юборгандир, деб ўйлаб, фарёд уриб ичкарига кирсам, ҳовли супураётган келини супургини ушлаганича ярим беҳуш бўлиб туриб қолди. Бундай айвонга қарасам, ҳеч ким йўқ. Оббо касалхонада тўсатдан ўлибди-да, дедиму, яна айтиб-айтиб йиғлөөтсам, ердан пайдо бўлдим, осмондан тушдим, билмайман, синглимнинг овози: «Ҳой, опа, нима бўлди?» деди. Шашқатор ёшим билан кўзимни очсам, бир қўлида обидаста, юз-қўлиям артилмаган синглим... Шундоқ бўшадим, ерга чўккалаб қолдим...

Кетма-кет этиб келган келиним билан ўғлим дам кулишади, ўлди деган одамлари тириклигидан севиниб кўзларига ёш олишади.

Хуллас, ўша куни кечгача синглимнинг олдида бўлдим. Кечқурун юрагим ҳеч ўрнига тушавермаганидан уни ўзим билан бирга олиб кетдим. Нурихон уйимизга кирди-ю, тилпонга хўмрайиб қараб кўйди. Мен ҳам ундан баттар жоним чиқиб, тилпон-пилпонни отиб юборай дедим.

Энди чой ичайлик десам, яна жиринглади. Худди юрагимни биров бураб олаётгандек бўлди. Бориб ололмадим. Нурихон олди. Йўқ, ҳайтовур тинчлик экан, ўғлимни сўрашибди.

Нурихон энди келиб жойига ўтирган эди, яна жиринглади. Қандай қилай, титраб-қақшаб ўзим олдим. Ичкаридан шунақанги қувноқ овоз келдики, руҳим дарров тетиклашди.

- Қудажону.
- Лаббай.
- Суюнчи беринг, қизлик бўлдик.

- Муборак бўлсин, кимнинг кўзи ёриди?
- Қизингизнинг. Нах 4 кг 300 граммлик, паҳлавон-а?!
- Вой, менгина ўлай, ҳали шошмай турсин, у дунёю бу дунё...
- Нега довдирайсиз қуда, қизни берган худо ўгилниям берар.
- Бермай ўлсин, шарманда бўлдим. Ахир тушганига ўн беш кун бўлди-ю...

Шу сўзни деганимни биламан, бирвақт кўзимни очсам... тепам-да ким турибди денг... қизим! Шундай қаддимни ростлаб, ўрнимдан қўзғолдим, қизимни бир шапалоқ тортвормоқчи бўлдим, бирдан ҳушим ўзимга келиб қолди.

Шу-шу тилпонни келинпошша эмас, полвон дейман. Чунки полвонлик қилиб тўрт мучали соғ мени йиқитай деди-я! Бошқа жойларга қилинган қўнғироқлар меникида жиринглаб, довдиратиб қўйди. Тилпоннинг бу одати қолармикин деган сарим энди баттар бўляпти. Баттар бўлмаса, бирдан ўзидан-ўзи аллақайси хонадонники билан уланиб қоладими? Ёки... Шундай кўтарсанг, йигит билан қизнинг сирларини бошқаларга эшиттирадими? Хуллас тилпон-полвоннинг ҳам ўзига яраша ташвиши бўларкан. Унинг қилиқларига чидаган одам чидаркан.

Қундузхон шоша-пиша самоварга олов ташлади, эрига, болаларга чойни ўзингиз берарсиз, деб тайинлади-да, сумкасини кўтариб чиқиб кетди. «Энди тополмасам, бошқа кунлари топиш денгиздан игна қидиргандек гап» деб ўйлади. Бозорни қараб фиғони осмонга чиқди.

Гастрономнинг балиқлар сотиладиган бўлимидаги одамларни кўргач, ичига чироқ ёқилди. Қандай балиқ бераётганини суриштирмай, дарров навбатга турди ва ҳатто шошиб қолмай деб пулини ҳам чиқариб олди. Ундан бир аёл: «Қанақа балиқ беряпти?»— деб сўрагандагина «Ҳа, рост-а, қандай балиқ беряпти!»— деб ёнидагидан сўради. Жавоб олгач, тарвузи қўлтиғидан тушди.

Тавба, усач анқонинг уруғими ўзи,— куйиниб кетди Қундузхон.

— Жуда зарурмиди?— сўради қизиксиниб аёллардан бири. Худди шу саволни кутиб турган эканми, дарди очилиб кетди Қундузхоннинг:

— Яқинда дам олиш уйда бўлгандим. Эртага кетаман, деган куним бир аёл келиб қолди. Шундай келишган десангиз, ой менадан деса, кун менадан дейди. Бир кўришдаёқ ёқтириб қолдим. Шу кеча кўпчилик йиғилиб ўтирган эдик, балиқдан гап чиқиб кетди. Балиқларнинг асили усач,— деди ҳалиги аёл. Шундай яхши кўраманки...

Яна гап авжига чиққанида у икки-уч марта ютиниб қўйди. Ҳойнаҳой шу балиқдан егиси келдиёв деб ўйладим. Лип этиб олдига ўтдим-да, унинг қулоғига пичирладим: «Янаги келишимда сизга шунақа балиқдан олиб келаман, биз томонда бўлиб туради». Энди десанингиз, Тошкентга иш билан бормоқчи эдим, бўзчининг моксидек ҳар томонга югураман, қани топа олсам,— у уҳ тортиб қўйди,— ёлғончи бўлдим-да.

Қундузхоннинг куйиб-пишиб гапираётганини кўрган бир кампир тўхтаб унинг гапига қулоқ сола бошлади. Кейин буни ўзига ноқулай билди шекилли сал нарироққа кетди. Худди бир нарсаси қолгандек яна унинг ёнига қайтди. Туриб-туриб дам ботиниб-дам ботинмай, охири деди:

— Гапингизга аралашганимга хафа бўлманг, чироғим. Қаттиқ ташвишланаяпсиз. Сизга усач жуда керакми?

— Агар ўша балиқ бўлса, холажон, ажойиб иш бўларди.

— Нимага зарурати бор эди, болам?— сўради кампир худди бу ишга ёрдам бера оладиган одамдек.

— Битта ажойиб аёл бор. Шунга ваъда қилгандим.

— Юринг, болам, ҳожатингизни чиқарай.

Тўсатдан қилинган бу таклифдан Қундузхон ҳовлиқиб кетди.

— Ростданми, холажон?— дея уни қучоқлаб олди.

— Уғлим азонда командировкадан қайтувди, олиб келган экан. Иш билан бўлиб очолмадим ҳали. Ижрокомга кириб чиқай, маҳалладаги аёллар илтимос қилишганди.

... Кампирнинг уйда қоғозга ўралган балиқни кўриб, Қундузхоннинг кўзидан яшин чақнади.

— Мен олиб кетсам, ўзингиз-чи?

— Қўязеринг, хурсанд бўлсангиз бўлгани, қизим тенги экансиз.

— Қизингиз бормилар?

— Ҳа, уни жуда соғиндим. Эри билан чўлда ишлайди. Иккита боласи ҳам бор. Шу кунларда кўзим олдидан пир-пир ўтятипти. Жуда ўшар экансиз. Шунинг учун ҳам сизга қарай-қарай гапингизни эшитдим-да.

— Раҳмат, холажон, юзга киринг.

Қундузхон бошқа нима дейишини билмади. Балиқни газетага ўраб сеткага солди. Сумкасидан пул олиб кампирга узатди. Пулни кўриш билан кампирнинг аччиғи чиқди. «Кўйинг, болам, битта балиқ одамнинг хуни бўлибдими?— деб олгани унамади. Қундузхон миннатдорчилигини айтишга сўз топа олмай, уни маҳкам қучди, икки юзидан ўпиб чиқиб кетди.

... Қўлида оғир чамадони, бир қўлида балиқ, бир парча қоғозга ёзилган адрес. Терга ботиб, оёғи толиб, кирмаган кўчаси, сўрамаган одами қолмади. Жазирама офтоб миядан ураётган пайтда уч табақали оч-ҳаво ранг дарвозага ўрнатилган кнопокани босди. Ичкаридан «эшик очиқ» деган товуш эшитилди. Дарвозанинг бир табақасига қўл тегар-тегмас, ланг этиб очилди-ю, тарақлаб деворга урилди. Бундан Қундузхоннинг ўзи ҳам чўчиб тушди, ҳам хижолат тортиб кетди.

— Секинроқда,— бояги товуш яна эшитилди. Қундузхон у ёқ бу ёққа аланглади. Ҳосили кўплигидан бошини эгиб турган олма дарахти соясидаги қип-қизил гилам тўшалган калавотда ҳеч ким кўринмади. Ҳовли рўйгаҳида ҳам ҳеч ким йўқдек.

Чамадон, сеткасини олиб тортинибгина ичкари кирди. Калавот тагида бағрини муздек ерга бериб ётган ит хириллаб қўйди.

Сеткадаги балиқнинг иси унинг димоғига урилдими, ижирганиб, ўрнидан кўзғалди. Қундузхон олдинга юриш-юрмасини билмай, турган жойида қолди.

— Шарик, ёт!— очилиб турган гуллар орқасидан келган бу овоз қулоғига кўнғироқдек чалинди, Таниди у бу товушни. Роҳатойники! Уша томонга отилгиси келди. Аммо олдига келаётган бўйи барабар итдан ҳайиқди. Гуллар орқасидан чиққан аёл итни ҳайдаб юборди-да, босайми-босмайди деб унга яқинлашди.

— Келинг,— деди аёл ва оғзидаги бодом пўчоғини туфлаб ташлаб, мағзини чайнади-да парча гулли халати чўнтагидан яна бодом олиб, оғзига солди, Бодом қарсиллаб қақилди. Қундузхон қўлидагиларни ерга қўйиб кучоқ очиб унинг олдига келди-ю аёл кўзидаги ётсираш ва совуқликни кўриб тўхтаб қолди.

— Танимадингизми?!— деди у ҳайрон қолиб.— Дам олиш уйи-да... Қундузхон-чи, плановик... усақ,.. эсингизга тушдимми?

— Ҳм... сиз... ҳа... танидим,— деди Роҳатой уни бошдан оёқ синчиклаб қараркан ва қўлининг учини берди— «Хизмат?!— Томдан тараша тушгандай берилган саволга Қундузхон нима деб жавоб қилишини билмай қолди. Гулларнинг чеҳраларини тилла ранг доначалари билан силаётган фонтан сувида шапиллатиб ювингиси келиб турган меҳмоннинг кўнгли ғалати бўлиб кетди.

— Бир кўриб кетай деб киргандим.

— Яхши келибсиз... туф-ей!...— аччиқ мағзидан олиб келибди-да... манг, чақиб кўринг,— у қўлидаги уч-тўртта бодомни Қундузхонга узатди,— олинг, сизларнинг томонда бунақаси ҳойна-ҳой бўлмайди.

Қундузхон ноилж битта бодомни олди, аммо қўлига бодом эмас, юрагининг бир четига теккан тошни олгандек бўлди.

— Ану креслони яқинроқ сурунг, ўтирасиз,— каравот ёнида турган креслони кўрсатди Роҳатой.

— Раҳмат,— Қундузхон ҳар қанча чарчамасин, нимагадир ўша креслога ўтиргиси келмади. Худди гапларини гапиришиб бўлган одамдек жимиб қолишди улар. Шў жимликда Роҳатой уни яна бошидан оёғигача қараб чиқди:

«Ҳм... товба, бунақалар ўзидан-ўзи келармиди? Ёрдамим келарқидирда. Бир ками етти ёт бегонанинг ишига бурун суқишмиди?.. Ҳадемай Маърифатхонлар келса, бу «антиқа»ни қатдан топдингиз деб ҳиринглашади. Тезроқ даф қилиш керак... Тавба, Тошкентдек азимга келгач, ҳеч бўлмаса рўмолингни ол бошингдан, модадан чиққан қизил товарни кийиб нима қиласан. Чиллакдай қўлига соат тақишга бало борми, кўнглимининг кўчаси-ей, туфлисини қаранг, пошнаси Саттор акамнинг билакларидек келади-я...»

Сукунатни Қундузхон бузди.

— Арзимаса ҳам усач олиб келувдим,— деди у сеткадан балиқни чиқара ётиб ийманибгина.

— Усач дейсизми? Жонимдан ёмон кўрадиганим балиқ. Егандан кейин ҳиди келмай ўлсин, қилтаноғи-ку жонингни олади. Сохта айтган бу гапининг самимий чиққанидан хурсанд бўлиб қулди аёл.

Қундузхон турган ерида таёқдек қотди. Қўлидаги балиқни ушлаб туришни ҳам, ерга қўйишни ҳам билмай қолди.

— Мен сизни яхши кўрасиз деб,— кўнгли бирдан чўкиб кетди.

— Бе, бунақа балиқ болаларнинг ҳам меъдасига тегиб кетган.

Шу топда Қундузхоннинг қўлига тикон кириб кетгандай бўлди. Кўз олдидан ўғилларининг «думидан қирқайлик» деб хархаша қилишгани, уларга «думсиз балиқни совға қилиб бўлмайди», деб ёлворгани ўтиб кетди. Юраги туз сепгандек ачишди, «Ташлаб кетаверайми ё олиб кетайми?»— Миясига келди шу фикр тўсатдан. Буни Роҳатой ҳам уқиб олгандек, балиққа энгашди, қоғознинг бир четини йиртиб ялтираб турган балиқни кўрди, уни ҳидлаши билан бирдан сўлак безлари ишга тушди.

— Атайлаб олиб келибсиз, ташлаб кета қолинг. Меҳмон-пеҳмонлар закуска қилиб туришар.—Қундузхон балиқни четроққа қўйди. Чамадонини олиб, эшикка интилди. Бирдан Роҳатойнинг гапи қулоғига чалинди:

— Чой-пой ичиб кетинг.

Қундузхон қайрилиб қарамади ҳам.

— Ҳай-ҳай... Тўхтанг, тўхтанг, чой-чақасини олиб кетинг. Қундузхон чамаданини бошқа қўлига ола туриб Роҳатойга бир қараб қўйди-да, эшикни қарс этиб ёпди. Роҳатой ўзича ёқасини тутиб, унинг орқасидан ёпилган эшикка қараб қолди: «Тавба, шу ҳам одамгарчилик бўлдими, яхши қолинг, дейишни ҳам билмайди-я, қилтаноқ».

Сизга айтадиган бир-икки оғиз гапим бор эди, келинпошша. Яна қайнагачим не ишларни ихтиёр этиптилар, деб хижолат чекманг. Ахир киши ҳадди сиққан одамга дилидагини айтади. Кичик овсинингиз тушганда, насихат қилай десам, бетимга шундай тик қараб, «Ўзимни қандай тутишни яхши биламан»,— деб оғзимдагини оғзимда, бўғзимдагини бўғзимда қолдирган... Худога шукур, сизнинг бетга чопармаслигингизни эшитиб бошим осмонга етди, айланай.

Мен ҳам келин бўлганман, қоқиндиқ. Уша вақтларда саҳарда туриб олардим. Бугундан этиборан сиз ҳам жуда эрта туришингиз керак эди. Чунки кеча чалларингиз ўтди. Аммо, сиз қуёш билан бирга уйингиздан мўраладингиз. Бу билан ойим шўрликнинг умид-севинчларини пучга чиқарай дедингиз-а. Биласиз-ку бечора онамиз укамни бир кўз билан боққанлар. Бутун умидлари сиздан.

— Ану...

— Ану-пану деманг, ихлосим қайтиб қолади, келинпошша. Ҳим... Ойимлар таҳорат сувларини ўзлари тайёрладилар. Ёшсиз, бунақа ишларни бажариш сизнинг вазифангиз. Лоп этиб, азонда маҳалла кампирларидан биронтаси кириб қолса «уйқучи келин» деган номни оласиз-а, бунақада.

Гапимга сира хафа бўлманг-у, келиношша, мана мен кирдим-а, дарров ковушимни тўғрилаб қўйишингиз керак эди.

— Мен...

— Узидан каттанинг гапини икки қилган одамни ёқтирмайман. Эрта-индин лойгарчилик бўлади. Сиз келинсиз, эшигингизга ким келса ҳам дарров калишларини ювиб қўйинг.

Ойим иссиқ овқатга жуда ўчлар. Ишхонангиз яқин, перирипизда келсангиз, ярим соатда жиз-жиз қилиб юборасиз. Ишдан қайтишингизда уйга қуруқ келишга одатланманг. Ойимларнинг оғизларига ёқадиған бирор нима олиб келиб туринг.

— Ану.

— Ану-пануни қўйинг, мен келинлик вазифангизни гапиряпман. Эрта-индин танчаям очилиб қолади. Айтдирмасдан ҳар куни

кулини олиб, кўмир солинг. Вой, нега ўзгариб кетаяпсиз. Сирасини айтяпман-да.

Яна нима демоқчийдима? Ҳа, қанча мояна оласиз.

— Тўқсон саккиз сўм...

— Бир юз тўқсон саккиз сўм, дейишган эди-ку!

— Йўғе...

— Йўғе, деманг, ҳалитдан пул бекитсангиз бўлган экан роса.

— Йўғе.

— Йўғе-пўғега бало борми? Айтиб қўяй. Ёлғон аралашган уйдан барака кўтарилади... Моянангизнинг тийин-тийинини ҳисоблаб, ойимларга бериб қўйганингиз маъқул! Бир ёққа орқалаб кетармидилар. Эрингизнинг ҳам қулоғига қуйиб қўйинг, бибилиска пул сочишилари ташласин! Топганини ойимнинг қўлларига тутқазсин.

Ишқилиб, шу уйнинг ромига тушсангиз, сув ўрнига қаймоқ ичасиз, келинпошша, Бўлмаса... Гапларим кўпу, қолганларини майли келган-кетганимда ўргатиб кетавераман...



У киши қиттак отдилар тамом. Оғзиларининг таноби қочади-ю, ошган ҳамирдай бўртиб турган лабларини йиғиштира олмай қоладилар. Кулганларидаям барвақт уйғонган хўрозга ўхшаб осмонни мўлжаллабмас, шундоққина куладилар, ҳатто ярмиси ичларинда қолиб кетади. Эҳ, эҳ, ичингиз туздек ачийди, шундай одамнинг кулгисини ким ўғирлабди-я? У кишим хунобликларига мана энди ўн еттита улфатнинг ҳаммаси димпих, на ўтириш татийди ва на ширин таомлар. Авваллар томоқларини ҳўлласалар, бас, ҳамма нарса изига тушиб кетарди. Энди бўлса, беш юлдузидан устма-уст уч рюмка кўтардилар, азбарои худо, кўрдим демасалар. Қош ўртасидаги ажинлар бўлса, ғўза суғорадиган ариқчадек бир пасда чуқурлашиб кетди. Буни кўришди-ю, улфатларининг дард дунёси баттар қоронғилашди. Зора аламлари тарқалса деб, яна каттароғига, тилла рангли рюмкага қуйишди. Яна кўрдим, демадилар. Мулозаматга ҳам ўрин қолдирмай, ўзлари қўлтиллашиб ютаверадилар. Буни кўрган Тешавойнинг кўзлари мўлтиллаб, Болтавойнинг оғзи очилиб, Нурвой иягига тиралганича иржайиб, Ҳурвой дўпписини чеккасига бостириб бошини қашиганича тикилиб қолдилар. У кишим, ҳамон ичардилар-у, аммо очилиш ўрнига тоғдан келтирилган тошларни қовоқларига осиб ўтирардилар. Бирдан ҳаммаси ҳам бир бўлди-ю, зардалари қайнаб кетди. Закуска қилиш ўрнига қўлларидаги рюмкани икки фил кучи билан ерга урдилар! Оҳ-оҳ! Эссиз шунча куч-а. Шундай қилгилари келган экан, нима қилардилар кучларини беҳудага исроф қилиб! Гавдасидан икки одам ҳам чўчидиган хув анови йигитга бермайдиларми, жаранглаган овозидан хуморлари тарқамайдими?

Бирдан у кишим ботмондай-ботмондай муштларини кўрпачага тираб ўринларидан турмоқчи бўлдилар. Бошлари от ўйин бўлиб кетди. Яхшиямки қўлтиқларидан суяб қолишди. Бўлмаса ўт-бўтлари майиб бўлиб, бир ҳафта касалхонада ётардилар. Уларни ўтқазмоқчи бўлишганди. «Қўйворинглар!» деб наъра тортдилар, кейин

шундай силкидиларки, бояқиш парвоналар чархпалак бўлиб кетишди. У кишим эса сарай-сарай қилиб, дастурхонга йиқила ёздилар. Кўзларига пробкаси омонат ёпилган шиша олтиндай ярақлаб кўринди. Гавдалари билан бориб-келиб, бориб-келиб шишани олдилар-у шўрваси чала ичилган косага қултиллаб ағдардилар. Беш панжаларини тикиб косани зўрға олдилар. Бошларини буркаб ичаётган эдилар, бирдан қалқиб кетдилар. Коса кўрпача устига тўп этиб тушиб, ҳамма ёқни шалоббо қилди.



— Мунча юходоримасангиз, хўжам,— деган овоз келди бурчакдан. У кишим йўтал аралаш ўша томонга бир ўқрайиб қўйдилар. Бирдан юракларидаги патослари ситилгандек бўлди.

— Қани сенинг хотининг ҳам бошингда ёнғоқ чақсин, ичмайсан-а ичмайсан.— У кишимнинг эсларига алланима тушди-ю, кўзларидан ёшлари тарновдан оққан сувдай оқиб тушаверди. Бир пасда ўпкаларини туютолмай ҳам қолдилар. Кимдир чўнтагидан дастрўмолини олиб тутди қўлларига. У кишим эса юзларига босганларича ўкириб юбордилар.

— Ҳеч... замонда... туппа-тузук хотиним, қўй оғзидан чўп олмаган хотинимдан шу гап чиқади-ми-а, мусулмонлар, унга ўрга-

тишган! Энди мен ҳам ичаман, дейди-я. Бир кун уйда менинг ўрнимга қолинг, мен кечқурун ичиб келай, дейди-я. Вой-дод, бунга қандай чидай, хотиним ичай деса қаёққа борай? Шуям турмуш бўлдимии!!!

Улфатлар ҳам унинг юз-кўзларини силаб-сийпаб бир оз юпатишган бўлишди. У кишим попук қанд олиб суюнган бола каби дэрров ўзларига келақолдилар. Ёшдан қизарган кўзларини ишқалай-ишқалай, тўлдирилган рюмкани қўлларига олдилар. Чуқур хўрсиниш билан дедилар:

— Хотинимнинг ичмаслиги учун қўтараман!

СИЗМИСИЗ, ҚУДРАТИЛЛАКА!

— Алло, бу ким? Кечирасиз, ким дедингиз? Фүф-фүф! Телефонлар ҳам сурбет бўлиб кетганей... Йўқ, сизгамас. Алло, ким ўзи? О, саломалайкум. Қудратилла ака, сизмисиз? Овозингизни эшитишга шунчалар ошиқдимки, мени билмасангиз... Ҳм, сиз ўйлармидингиз?.. Жуда ишона қолдим гапингизга. Аячамлар биздақа парвоналарнинг исини сезсалар, сочингизни мўйчинак билан юларлар. Нима, ишонадилар, дейсизми? Яна ўғрини қароқчи урмасин, ҳиҳ-ҳи-ҳи...

Алло, идорангизда шамол бўлаётганмиш? Вой, нега сезмайсиз? Ахир, бир тўда хотинларни ёрдамга юборишибди-ю одам топилмагандай. Узим ўша зотдан бўлсам ҳам, аёллар деса кўнглим айнийди. Айтиб қўяй, ану эт емас эшонга эҳтиёт бўлинг. Алвасти кўприкдан ўтган-а. Яна киприги билан юрагингизни нишанга олма-син. Уша юрагингиз ўнта бўлсаям, ўзимиздан ортмайди. Бунақа гапларга товага тушган тухумдай яйраб кетасиз-а?

Кўйинг, эримни эслатманг. Куя тушган боши қурсин. Уйга келди дегунча зилзила бошланади мен учун.

... Учрашайлик, дейсизми? Соат нечага?.. Хўжайинлик одамман, унутманг. Алло, айтганча, бугун бизнинг мажнунни қарға чўқийди. Бир ёққа кетади...

Қудратилла ака, айтувдингиз-ку англиский халат келади, деб Келдими? Ҳойнаҳой жуфти ҳаллолларини биринчи қўйгандирлар... Менга ҳам атайлаб олиб қўйибсиз? Вуй, яшанг, фараз қилинги, ҳозир ёнингиздаман ва севинганимдан сизни... Топинг-чи, нима киламан... Жа, биласиз-а? Узи иккита келганмиди, қизили уларгами? Бизга кўкимиз? Мен қизилини хоҳлайман жуда-жуда. Хотинингиз олма-ўриқ бўлармидилар лолақизғалдоқни кийиб... Жон, Қудратилла ака, бир амаллаб ўшани олиб беринг... Қандай қилиб қайтариб оламан, дейсизми? Бир-иккита казо казолар қайтариб беришди, яшимасмиш, базага яқинда янгиси келади, дейсиз, олам гулистон... Шунақа мардлингизга борман-да!

Ану, Қудратиллакажон, сутга чайиб олингандай чиройли, орқаси очиқ, пошнаси моднийи, худди ўша келибди-ку, бир-иккита

бўлса... Запасда турса, дейман. Юбкали жемпер ҳам келдимми? Ярақлайдигани.., эшитдим-да.., Менинг размериммасми? Катта бўлса, семирарман ўшанга қараб олиб қўяверинг.

Алло, сизга атаб бир чимдим норин қияяпман, пешинда олдингизга киритиб юбораман. Ўзимми? Майли, дурустроқ кийинайми? Иш билан киргандек бўлибми? Айланай сиздан... Чиройли бўлсам, кимга фойда-ю, кимга зиён. Нима қилсам, сиз учун-да, Қудратилла ака.

Майли, иккига ёрилсам ҳам етиб бораман. Секретариягизга айтинг, кўп минғилламасин. Анучи... қолганини кейин айтарман.

Нисохон эрининг шарпасини сезиб, трубкани секингина қўйди ва эшикка йўналди.

КЕЛИНПОШША

Ҳамма уйдан кетаётганда йиғласа ҳам, мен йиғламадим. Амакимнинг чўрткесар хотинлари чирс-чирс қилиб қистайдиларки: «Ҳой, йиғласангиз-чи, узатиладиган қиз тўй куни йиғламаса уят бўлади», деб. Қани энди кўзимдан ёш чиқса. Тўхтанг, йиғлаш шарт эканми ўзи! Куёв томондан кўнглим хотиржам бўлса. Уларни ҳар чеккадан ревизия қилдиравериб, ҳоли-жонига қўймаган, қайнана бўлмишимни-ку ҳалитдан қармоғимга илантирган бўлсам.

Қандай қилиб дейсизми!

Биламанки, куёв тўрага ёққанман. Уламан саттор, сиздан бош қасига уйланмайман, деб, неча марта қасам ҳам ичиб юборган. Бари бир оқ ўратишларига розилик бермай, таранг қилавердим. Ойисининг ранги-вошини бир кўрсаму, об-ҳавосини билсам, дердим ўзимга ўзим. Бу ҳақда бировга миқ этмадим-у, ишнинг нишабини шу томонга олиб келавердим. Буни қарангки, ойисининг дилига солганми, ўзим келинимни кўндирмасам, сизлар кўндиролмайдиганга ўхшайсизлар, дебди ва учрашув жойини муқим қилибди. Тортинмай боравердим. Бечора мени кўриб севиниб кетди. Кўришиб, бирпасда кўнглидаги ҳамма гапни очиб ташлади. Дарров «хўп» деб тентакманми? Олдига ўйлаб қўйган шартимни қўйдим.

— Иш қилишни билмайманда,— дедим сунъий юмшоқлик билан.

Вой, болам-ей, билмаганингизни ўрганиб оласиз, унча-мунча иш ўзимдан ҳам ортмайди.

— Мошкичирини яхши кўраман, мошингиз чидаш берармикин!

Тўсатдан айтган бу гапимга ойиси анграйиб қолди. Кейин эсини йиғволиб:

— Пудлаб олдириб қўяман,— деди ва яна орқавошимни силаб-сийпаб кўндиришга урина бошлади.

— Уғлингизнинг пайпоғини ювмайман, айтишларича эркакларнинг бутун ғубори ўша ерга тўпланармиш.

Ойиси қўлидан қўшнисиникидан омонатга олган бир даста чинниси тушиб кетгандек эсанкираб қолди.

— Вой... пайпоғими... ўзим ювиб берарман. Ё ўзи ювиб олар,— деди у ва бирдан кўнгли ўксиб кетдими, йиғлаб юборди.

Бу гапдан кейин яна қаддимни кўтариб, алланима демоқчи эдим, у оғзимни тўсди:

— Гапирманг бошқа, пешонамиз қурсин, ҳалиям бўлса...

Қарасам... Кел, мендан нима кетди, дедим-у, ноз ва иффат билан ерга қараб:

— Ҳали ёшман, ақлим кириб қолар,— дедим. Ойиси бирдан сергакланди, Чехраси очилиб, болам-бўтамлаб бағрига босди. Пешонамдан ўпди.

— Етмаганингизга энг, бўлмаганингизга бўй бўламан, болам,— деди ўпкаси севинчдан тўлиб.

Тўй ҳам ўтди.

Янги келин номим бор, деб унча-мунча иш қилиб турдим, эрта бириси кун бутунлай хизматкорга айланаман қўяман, дедим-у шошилмай ғимиллаб юравердим. Қайнонам ҳақиқатан чаққон хотин эканлар, мен тебраниб ўрнимдан турғунимча унча-мунча юмушни ўзлари бажариб қўярдилар.

Янги келин тушган деб келавераркан одам, келавераркан одам. Ҳаммасининг тепасида гирдиқапалак бўлишинг керак. Айниқса, бир куни иккала қайнағачим бор болалари билан келиб қолишди. Бир паснинг ўзида миямнинг қатиғи чиқиб кетай деди. Ойим «шўрва қила қолайлик» девдилар, шунча одамга шўрва бакор келадими, деб мошхўрда қила бошладим.

Янги келиннинг бир нарсаси бўладими, ишқилиб болалар ёнимдан нарига кетишмасди. Ҳеч бўлмаса ойнага қараб олай деб уйимга кирдим, дув этиб ҳаммаси кетимдан киришди.

Уша заҳоти бири кроватга сакраган. Бири ойнанинг олдига бориб, атир сепган. Қайси биридир упани очаман, деб ҳамма ёққа тўкиб юборди. Жони-поним чиқиб кетди. Бир ҳайдаб чиқарай дедим-у, яна ўзимни босдим. Қани янаги келганларидаям кириб кўришсинчи.

Кетишганда нафасимни бир ростладим-у, уйимга кириб таппа ташлаганимча турмадим.

Шу-шу кўпчилик бўлиб меҳмон келадиган бўлса-ю дарагини эшитсам, ё ишимни баҳона қилиб кетиб қоламан ё ўт-бетим оғриятти, деб ўзимни касалга соламан. Жон-жон ўзимники, қилсин бошқалар.

Бир куни энди ишдан келиб, ҳали ўтиришга ҳам улгурмагандим, ойим:

— Болам, ҳужрадан ун олиб чиқинг, бир хамир овқат қилайлик,— дедилар.

Жоним ҳалқумимга келиб кетди. Нима, мен ишдан куч йиғиб

келибманми, кела солиб юмуш қилиб. Бунақа деб айтиб бўлади-ми? Узингдан ўтади — ўзинг биласан.

— Ойижон, ҳужрада сичқон бор, қўрқаман, дедим. Ваҳоланки сичқонни думидан ушлаб, оғзига носвой солишим ҳеч гап эмас.

Узлари олиб чиқдилар.

— Келинг, болам, хамир қоришни ўрганиб олинг, дедилар унни элаётиб.

— Ойижон, негадир қўлимнинг, йўғе бармоғимнинг тирноғи кўчай-кўчай деяпти,— дедим овозимни сал титратиб.

Ойим «ҳм...» дедилар-у ёқмаганини сезиб индамай қўяқолдилар.

Рост-да, бугун хамир қоришни ўргансам, эртага ҳаммаси елкамга тушиб турибди-да. Зарур келибдими.

Гапирай десам, гап кўп. Келинг, яхшиси шу ерда тўхтата-ю, сиримни сизга очай. Буни зинҳор-базинҳор уйимдагилар эшитишмасин: мен ҳамма «қилиқларим»ни атайлаб, тушуниб туриб қиламан. Бўлмаса, бошимга чиқиб олишса, қандай қилиб ерга тушираман!

Лекин турмушим энди бошланяпти, мени олдинда нималар кутяпти, қаердан билай.

ТУШИМ ЭКАН, ДАДАСИ

Хотин — Дадаси, негадир сизни тушимда кўриб юрибман-а?

Эр — Узинг нимадинг, кўрган тушинг нима бўларди.

Хотин — Вой, нега ундай дейсиз?

Эр — Узингга ўхшаган бесўнақайини кўргандирсан-да.

Хотин — (чаҳраси ёришиб)— Йўғ-ё, тушимда катта боғмиш. Ҳозиргина қорга кўмилиб ётган дарахтлар сизни кўришлари билан бир силкиниб гулга киришибди. Сиз бўлсангиз, ҳув, телевизорда бир театр кўрсатувди-ку, ўшандаги кишига ўхшаб, қўлларингизни қовуштириб уларга тикилиб турганмишсиз. Шу пайт боғ ўртасида йўл пайдо бўлиб, унга гилам тўшалганмиш. Бирдан йўл бошида антика стул... йўқ, йўқ, кресло пайдо бўлибди. У бирам чиройлимишки... Унинг ёнида қадди-қомати келишган, баланд бўйли ўрта яшар бир киши турганмиш. Нуқул сизни имлармиш. Гуллар бўлса, бошларини эгиб, сизга салом берармиш. Ҳатто биттаси, ану милиционерларнинг ола таёғи бор-ку, ўшанақани кўтарволиб, сизга йўл кўрсатармиш. Мен бўлсам, гуллар орасида парига ўхшаб турганмишман.

Эр — (ўзича)— Парига ўхшармиш, турқи совуқ.

Хотин — Бир нарса дедингизми?

Эр — Тилингга асал, деяпман.

Хотин — Сиз қаддингизни ростлаб, бояги киши томон бораверибсиз. У сизни шунчалар эҳтиром билан кўтиб олибдики, ҳамма гуллар қарсақ чалиб юборишибди. «Мухтарам Ваққос ака, сиз бугундан эътиборан шу боғнинг энг каттакон хўжайинисиз. Мана шу арши аъло сизники!» дермиш бояги киши.

Эр — Тилингга асал, хотин, тилингга асал!

Хотин — Дарров кўрсатган жойга чиқиб олибсиз. Ҳалиги киши кетиши билан бирдан шошиб қолибсиз. Билсангиз билмасангиз ҳаммага сўзингизни ўтказармишсиз: «Ҳой сариқ гул, нега писсайиб турибсан», «Ҳой, қизил гул, ҳозирдан бошлаб тиканингни йўқотасан, ёшлигимда бир марта санчиб олганинг етади!» Улар бечора сиздан кўрққанидан дағ-дағ титрашармиш. Бир вақт эсингизга гилос тушиб қолибди. Унинг гуллаб турган бўй-бастига қараб «Ги-

лос, сен бугундан бошлаб илдингда ҳам мева тугасан, бу соҳада картошкадан ўрнак ол!» дермишсиз. Атрофдаги бир-икки дарахт ҳиринг этиб кулиб юборишган экан, уларни илдиз-пилдизи билан қуритибсиз. Хуллас бир неча соатнинг ўзидаёқ ҳамма ёқни остин-устин қилиб ташлабсиз. Буни бояги киши сизга билдирмай кузатиб турган экан. Олдингизга келса, қайрилиб ҳам қарамасмишсиз. Обдон ўзига қаратиб олиб, юзингизга бир тарсаки туширибди. Ёқ этмай қолибсиз.

Эр — Йўғ-е, мен ёқ этмасмишманми, нақ калла қўярман!

Хотин — Туш-да, бу дадаси! Уша киши, «Сиз бу ўринга муносиб эмассиз. Боғнинг каттакон хўжайини қилиб янгамларни тайинлайман, чунки улар кўчага чиқса эр, уйга кирса хотинлар» дермиш.

Эр — (фиғони чиқиб) — Сени тайинлашармишми?

Хотин (ажабланиб), Ҳа, дадаси.

Эр — (кесатиб) — Менинг ўрнимга сени... Сени...я?!

Хотин — Туш-да, дадаси, туш.

Эр — Ўзинг совуқ, кўрган тушинг ундан ҳам совуқ...

Хотин — Туш-да, дадаси, бу туш!

МЕНДАН СҮРАБ ОЛ, ХОТИНЖОНИ

[Мирзавой ишдан келиб, ўзини каравотга отади. Гирдикапалак бўлган хотинига ўқрайиб қарайди].

Рисолат — Вой, ўлай, касал бўлиб қолганга ўхшайсиз?

Мирзавой — Ҳа, ундан баттар бўлдим!

Рисолат — Нима бўлдингиз?

Мирзавой — Ул бўлдим, дард бўлдим!.. Менга қара, сен менинг хотиниммисан ё душманиммисан, айт-чи?

Рисолат (ҳайрон):— Вой, нима қилибман?

Мирзавой — Идорамдан келган жиблажибонларга нима дединг?

Рисолат — Вой, шумиди?! Саволларига жавоб бердим, холос.

Мирзавой — Жавоб бермай ўл, жавобни ўрнига қўя олмасанг, индамай ўтирмайсанми?!

Рисолат — Қизиқсиз-а, тўғрисини айтдим-қўйдим.

Мирзавой — Тўғрисини айтиб туққанингга ёқмайсан-у, комиссияга ёқасанми, хом калла!

Рисолат (соддадиллик билан):— Узлари ҳеч нарса ўқиб турасизми? деб сўрашди. Опангиз айлансин, бола-чақадан, уй ишидан ортиб ҳеч нарса ўқий олмайман, дедим. Кино кўриб турасизми, дейишди яна. Телевизорда унча-мунча кўргим келади-ю, кечгача чарчайманми, дарров мудраб қоламан, дедим. Шундай десам, Нор-бўтаев ака қарашмайдиларми, деб қолишди. Мен ҳам лоп этиб, қарашиб бўптилар, деб юборибман.

Мирзавой — Жавобинг қурсин, сени деб бугун бутун йиғилишда менинг гапим бўлди. Сен билан ишим йўқмиш. Қани сен билан ишим бўлмасин, бошинг борганча, оёғинг келганча бўлиб қоларсан. Мен гўё ўсишингга ёрдам бермасмишман. Ахир менга турмушга чиққанингда уч метрнинг нари-бериси материалдан куйлак киярдинг. Энди тўрт метр атлас зўрға етади. Бу ўсишми? Ёки... ёки, мана бўйингни олайлик, менга текканингда бўйинг елкамдан келарди. Ҳозир менга етиб қолдинг. Бу ўсиш бўлмай нима?

Рисолат (Рисолат зрининг ёнига омонатгина ўлтириб):— Эржон, ҳайнаҳой бошқача ўсиш ҳақида айтишган бўлишмасин?

Мирзавой — Алл Ҳм... Ҳали бунақаси ҳам бор дегин... Хўп, бўлмаса, қани бир маънавий ўсишинг билан шуғулланиб қўяйлик. Хўш, мана бир саволни ечайлик. Катта кўчадан ўнгга бурилсанг,

Абдулла Тўқай кўчаси келади-а? Айт-чи, нима учун шундай деб аталади?

Рисолат — Одамнинг оти-да, дадаси.

Мирзавой (хуноб) — Шуни ҳам билмайсанми, калла! Бу ерлар бир вақтлар тўқайзор бўлган. Унга Абдулла деган киши хўжайинлик қилган... Сен мени бир кун эмас, бир кун шарманда қиласан... Эрта-бириси кун яна комиссия айланиб қолади, деган гап бор. Ҳой, хотин, эс-хушингни йиғ. Билмаганларингни сўра. Икки соат камроқ ухласанг, битта кино кўрасан. Кўчаларнинг номини бўлса, мана мендан сўраб ол. Ахир, сен кимсан? Искалад мудирин Норбўтаевнинг хотинисан, хотин!

М У Н Д А Р И Ж А

Қалайсиз, кампир!	4
Ярашмаган ялла	7
Бевақт қичқирган хўроз	12
Бир ҳикоя ёзувдим	16
Сўнги ахборот хола	19
Том бошида тоғора	22
Шошманг, айланай, шошманг	27
Билетни еб қўйиб...	31
Тилпон — полвон	34
Қилтаноқ	37
Ковушимни тўғриланг, келинпошша	41
Хотинимнинг ичмаслиги учун кўтараман	43
Сизмисиз, Қудратиллака!	46
Келинпошша	48
Тўшим экан, дадаси	51
Мендан сўраб ол, хотиним!	53

Библиотека журнала «Муштум»

На узбекском языке

ЯЙРА САГДУЛЛАЕВА

[КОРЫТО НА КРЫШЕ]

(Сатирические и юмористические рассказы)

Издательство ЦК КП Узбекистана
Ташкент — 1975 г.

Редактор — Мухиддинов А.
Техредактор — Ломиворотова Г.
Корректор — Нурматова У.

Теришга берилди 17/IX-74 й. Босишга рухсат
этилди 10/I-75 й. Қоғоз формати 84×108¹/₃₂.
Босма листи 1,75. Шартли босма листи 2,94.
Нашриёт ҳисоб листи 2,37. Тиражи 75.000
Нашр № 2. Р—09310. Заказ № 1437. Баҳо-
си 8 т.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриёт-
тинг босмаҳонаси.
Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.